Бутун дунё пролетарлари, бирлашинг!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши
№ 26 (13.288).
1 ФЕВРАЛЬ 1966 йил
СЕШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

Совет Қирғизистони 40 ёшда

Ташаббус кенг қулоч ёймоқда

Деҳқонлар тараддуди

КПСС иш тажрибасини ўрганиш

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг аъзолигига кандидат, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Л. Стасяк бошчилигида Польша Бирлашган ишчи партияси партия ходимларининг делегацияси КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан, 18 январдан бери Совет Иттифоқида бўлди. Делегация КПССнинг пропаганда ва агитация-оммавий иш тажрибалари билан танишди. Польшалик дўстлар КПСС Марказий Комитетининг бўлимларида, КПСС Москва шаҳар комитетида суҳбатлар ўтказдилар. Тошкентда КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ленинградда — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари В. С. Толстиков польшалик дўстлар билан суҳбатлашдилар. Польша Бирлашган ишчи партияси делегациясининг аъзолари бир қанча саноат корхоналарида, колхозда бўлишди.

28 январда КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари П. Н. Демичев делегацияни қабул қилиб, у билан самимий, дўстона суҳбатлашди.

Делегация 30 январда Ватанига жўнаб кетди.

КПСС XXIII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

МОСКВАЛИК ВА ЛЕНИНГРАДЛИКЛАР ИЗИДАН

ТАШАББУСКОРЛАР

Илгари темир-бетон ёғочдан ясалган қолипларга қуйилар эди. Ҳозир эса металлдан ясалган қолипларга қуйиладиган бўлди. Қолип ясаш учун нормадаги 185 килограмм ўрнига 115 килограмм металл ишлатилмоқда. Шу йўл билан Намангандаги электромеханика устахонасининг рационализаторлари йилига 10 минг 170 сўмлик металл тежашга эришмоқдалар. Устахона азаматлари бир сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқаришга пландаги 91,5 тийин ўрнига 79 тийин сарфламоқдалар.

А. ОБИДОВ.

●

«Ташсельмаш» заводининг мутахассисларидан В. Грачев ва Е. Сокирянский ўртоқлар пахта териш машинаси ишчи аппарати барабанининг пастки дискига етадиган металлни тежаш юзасидан рациолизаторлик таклифини ўртага ташладилар. Бу таклифнинг жорий этилиши шарофати билан йилига 130 тонна пўлат тежаладн. Ташсельмашчилар даврасида металл ва материалларни тежаш юзасидан социалистик мусобақа тобора қизимоқда. Деҳқонларга кўплаб пахта териш машиналари етказиб беришга аҳд қилган машинасозлар 150 тонна прокат, 200 тонна чўян қуйилмаси, 1,5 миллион киловатт-соат электр энергиясини тежаб қолишга аҳд қилганлар. Тежалган металл, материал ва бошқа хом ашёлар 100 та «зангори кема» тайёрлашга етади.

Г. ДЕМИДОВ.

●

Тошкент кўн комбинатида маҳсулотнинг янги сифатли, тежамли турлари кўплаб ишлаб чиқарила бошланди. Булар қаторига «В-0,2», «В-0,5» марали пойафзал таг чармига ишлатиладиган резина пласмасса, транспарет резинаси, 81-фасонли полимер кардон киради. Бу маҳсулотлар пишиқ, чидамли бўлиши билан бир қаторда арзонга тушмоқда. Янги маҳсулотлар тайёрланаётганлиги туфайли корхона 120 минг сўм маблағни иқтисод қилиб қолади.

Кўнчилар КПСС XXIII съезди очиладиган кунгача биринчи квартал планини бажаришга сўз беришган.

Ж. ИНОЯТОВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

●

Ўтган йили Қўқон шаҳридаги «Большевик» механика заводининг азамат ишчилари 150 тонна металл тежаб қолган эдилар. Машинасозларнинг бу йилги режалари ҳам чакки эмас. Иқтисод қилиб қолинган металдан 30 минг сўмлик маҳсулот тайёрланмоқчи. Рационализаторлардан К. Ҳусанбоев, В. Богенков ва О. Долбикнин ўртоқларнинг яқиндагина жорий этилган таклифи туфайли йилига 50 тонна металл тежаб қолинади.

Р. МАМАЖОНОВ.

ШЎР ЮВИЛМОҚДА

КЎКЛАМГА ШАЙМИСИЗ?

Ғиждувон районидаги «Коммунизм» колхозида 1100 гектар шўрхок ер бор. Бу ерларни 2-2,5 марта ювмасдан туриб деҳқончилик қилиш қийин. Лекин, колхозчилар шу ерларда мўл-кўл пахта ҳосили етиштириб келишяпти. Улар бу йил ҳам ҳосилдорликни оширишга қатъий бел боғлаганлар. Шу мақсадда шўр ювиш кечаю-кундуз давом эттирилмоқда.

— Ҳозиргача 741 гектар майдондаги шўрни ювиб бўлдик, — деди колхоз раиси ўртоқ Мухтор Аҳмедов, — қолган ерларда ҳам шўр ювишни яқин кунлар ичида тугаллаймиз. Колхоз аъзоларининг диққат-эътибори ҳар гектар майдондан 32 центнердан «оқ олтин» ундиришга қаратилган. Бунинг учун экин майдонларини яхши ишлаймиз, сувга, минерал ва маҳаллий ўғитларга қондирамиз. Кўкламни уюшқоқлик билан кутиб оламиз.

Раиснинг гаплари тўғри. Колхозда кўклам тараддуди авж олиб кетди.

А. ОТАЕВ.

Бухоро области.

ЕРГА ДАРМОН

Маҳаллий ўғит — ерга дармон, ернинг қувватини оширади. Буни яхши англаган Самарқанд районидаги Киров номли колхоз аъзолари ҳозиргача 2700 тонна гўнг жамғариб компост қилиб қўйдилар.

Абдуманнон Жўраев, Жаббор Азимов, Фаттоҳ Амиров, Асрор Рустамова каби илғор механизаторлар гўнг жамғариш ва далага чиқаришда бошқаларга ўрнак кўрсатишяпти.

М. ОБИДЖОНОВА.

РЕМОНТ ҚИЗҒИН

Андижон районидаги Калинин номли колхозда қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш жадал суръат билан олиб борилмоқда. Қисқа муддат ичида 24 та трактор, 13 та плуг ва 6 сеялка сифатли ремонтдан чиқаридн.

Механизаторлардан Шербой Болтабоев, Зуҳриддин Хайриддинов, Раҳимжон Хўжаев, Усмонжон Даминов ўртоқлар ремонтда айниқса актив қатнашмоқдалар. Колхоз механизаторлари барча техникани 20 февралга қадар мавсумга шайлаб қўйиш учун курашяптилар.

Р. ЭМИНОВ.

ЯХОБ БЕРИШЯПТИ

Бухоро районидаги «Ленинград» колхозида ерларга яхоб бериш ҳар қачонгидан ҳам қизитиб юборилди. Нажим Баракаев, Олим Баҳромов, Шоди Жўраев, Деҳқон Хўжаев, Омон Бобомуродов каби сувчилар ҳар куни 3-4 гектар майдонни қондириб суғоришяпти.

Етти йилликнинг дастлабки босқичида гектаридан 28 центнердан пахта топшириш учун курашаётган бу хўжаликда бошқа дала ишлари ҳам кўнгилдагидек уюштирилган.

Э. КЕНЖАЕВ.

500 ГЕКТАР ЯНГИ ЕР

ТАХТАКЎПИР, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Партия XXIII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилган Қораўзан қурилишмонтаж бошқармаси механизаторлари катта меҳнат ғалабасига эришдилар. Улар шоликор «Қораўзан» совхозига 500 гектар партов ерни ўзлаштириб, деҳқончилик оборотига киритишда ёрдам бердилар. Бошқарма коллективи яна 560 гектар партов ерни ўзлаштиришга аҳд қилди.

ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ АМАЛДА

КАРОЧИ. (ТАСС). Ассошиэйтед пресс-оф Пакистан агентлиги хабар беради: Ҳиндистон пароход компаниялари хизмат қилиб, Ҳиндистон—Покистон можароси вақтида Ҳиндистонда ушлаб қолинган покистонлик бир минг беш юз денгизчи ҳозирги вақтда ўз ватанига қайтарилмоқда.

Покистон ҳукумати ҳам можаро вақтида Покистонда мусодара қилинган лаборатория ва кинематография ускуналарини дарҳол қайтариб юбориш тўғрисида фармойиш берди.

* * *

КАРОЧИ. (ТАСС). Шарқий Покистон молия министри Худа Тошкент Декларациясини табриклади. Бу декларация, деди у, Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги низоларни тинч йўл билан бартараф қилиш ва шу районда тинчлик ўрнатиш учун барча воситалардан фойдаланишга йўл очиб беради.

* * *

ДЕҲЛИ. Ҳукуматнинг фавқулодда комитети Тошкент Декларацияси қарорларини бажариш билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқди. Комитет аъзолари икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш масалаларини муҳокамадан ўтказишни давом эттириш учун яқин фурсат ичида Ҳиндистон билан Покистон вакилларининг министрлар даражасидаги учрашувини чақириш зарур, деган фикрга келдилар.

Учрашувда, деб ёзади «Индиан экспресс» газетаси, мол-мулкларни қайтариб бериш, нормал транспорт алоқаларини янгидан йўлга қўйиш ва савдо-сотиқ алоқаларни тиклаш масалалари муҳокама қилинмоқчи.

Фавқулодда комитетнинг янги составига Бош министр Индира Ганди, ички ишлар министри Г. Нанда, ташқи ишлар министри С. Сингх, мудофаа министри Я. Чаван ва молия министри С. Чоудхури кирганлар. (ТАСС).

* * *

ДЕҲЛИ, 31 январь. (ТАСС). Ҳиндистон Мудофаа министрлигининг вакили айтдики, Ҳиндистон ва Покистон қуролли кучлари қўшинларни қайтариб олиб кетишнинг биринчи фазасини белгиланган муддатда — 30 январь эрталаб тамомладилар.

Деярли бутун фронт бўйлаб ҳар иккала томон қўшинлари ўзлари контроль қилиб турган линиядан бир минг ярд масофага чекинтирилди ва фақат Амритсар билан Лохур ўртасидаги участкадагина қўшинлар Ичогил канали бўйида ўзлари эгаллаб турган позициядан шу канал соҳилидан ҳисоблаганда 200 ярд масофага чекинтирилди.

* * *

ДЕҲЛИ, 31 январь. (ТАСС). Бутун дунё халқлари эндиликда уруш жанжалли масалаларни ҳал этиш воситаси эмаслигини тан олмоқдалар, деди Ҳиндистон жамоат ишлари ва уй-жой қурилиши министри Меҳр Чанд Кханна кеча Деҳлида ҳинд—Покистон дўстлиги жамиятининг расмий очилиш маросимида сўзга чиқиб. Ҳиндистоннинг марҳум Бош министри Л. Б. Шастри ва Покистон Президенти Аюбхон имзолаган Тошкент Декларациясини худди ана шу нуқтаи назардан баҳолаш керак, деб таъкидлади министр.

М. Ч. Кханна жамиятнинг фаолияти Ҳиндистон ва Покистон халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилажак, деб умид билдирди.

ГУЛЛА, ЯШНА СОВЕТ ҚИРҒИЗИСТОНИ!

Чапдаги суратда: Қирғизистондаги «Тендик» колхозининг бош чўпони Асан Жакипов. У колхоз чорвачилигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Ўнгдаги суратда: Фрунзе шаҳридаги Совет майдонининг кўриниши. (ТАСС фотохроникаси).

ЯГОНА ОИЛАДА

Т. УСУБАЛИЕВ

Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

1966 йил Қирғизистон учун икки жиҳатдан тарихий йилдир. Мамлакатимизнинг барча халқлари каби қирғиз халқи ҳам Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIII съездини муносиб кутиб олишга тайёрланмоқда. Шу билан бирга, 1966 йилда Қирғизистон ССР ва республика Компартиясининг 40 йиллиги нишонланади.

Қирғизистон меҳнаткашлари СССР халқларининг кўп миллатли аҳил оиласида ана шу шонли саналарни кутиб олиш учун шаҳдам қадамлар билан олға бориб, экономиканн янада юксалтириш йўлида самарали курашмоқдалар. Қирғиз ва руслар, украин ва қозоқлар, ўзбек ва тожиклар, хуллас республикада яшовчи 50 дан ортиқ миллат вакиллари фабрика ва заводларда, дала ва фермаларда, илмий лабораторияларда фидокорона меҳнат қилиб, коммунистик қурилишнинг партия белгилаб берган планларини муваффақиятли суратда амалга оширмоқдалар.

Яқин ўтмишда чор Россиясининг қолоқ чекка ўлкаси бўлган Қирғизистонимиз мисли кўрилмаган даражада гуллаб-яшнади. Ҳозирги вақтда Қирғизистон индустрия ўлкаси, қишлоқ хўжалиги ривожланган ва маданияти юксалган ўлкадир. Қайси томонга назар солмангиз, ҳамма жойда улуғвор манзарани кўриб беҳад хурсанд бўласиз. Ҳамма жойда йирик саноат корхоналарининг корпуслари қад кўтармоқда, ҳамма жойда юқори вольтли электр линияларининг тиргаклари кўзга ташланади.

Беш-етти минг метр баландликдаги тоғларни қор босган бўлса, водийларда ям-яшил маҳсулдор далалар ва боғлар намоён бўлади. Музликлардан бошланадиган жўшқин дарёлар пастга—инсоннинг қўли билан тикланган электростанциялар тўғонларига, жуда катта сув омборларига оқиб келади.

Ўлканинг экономикаси сифат жиҳатидан ғоят ўзгарганлиги тўғрисида тасаввур олиш учун партиянинг XXII съездидан кейинги даврдагина вужудга келтирилган тармоқларни айтиб ўтиш кифоядир. Электротехника саноати ва асбобсозлик, нефть-химия, оғир электр машинасозлиги саноати ана шу тармоқлардандир. Автомобиль саноатини вужудга келтириш учун асос яратилди. Ҳозирги вақтда Қирғизистоннинг беш кун ичида бераётган саноат маҳсулоти 1913 йилда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг миқдорига баравардир.

Шу нарсани айтиб ўтиш муҳимки, саноатдаги асосий ишлаб чиқариш фондлари етти йилликда қарийб уч баравар ўсди. Етти йилликда саноат ишлаб чиқаришининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари ўн процентдан ортиқ бўлди.

Республиканинг табиий бойликлари инсонга хизмат қилмоқда. Қирғизистон симоб ва сурма ишлаб чиқариш жиҳатидан мамлакатда етакчи ўринни эгаллайди. Қирғизистон сурмаси жаҳоннинг кўп мамлакатларида ном чиқарганлиги ва халқаро бозорда намуна бўлиб хизмат қилаётганлиги билан фахрланамиз. Оптика саноати, лак-бўёқ ишлаб чиқариш ва чала ўтказгичлар техникаси учун жуда тоза сурма ишлаб чиқариш Совет Иттифоқида биринчи марта ўзлаштирилди.

Зангори ёқилғи хазиналари топилди. Ана шу ёқилғи запаслари ўн миллиард кубометрдан ортиқдир. Майлисув — Ўш биринчи магистрал газ қувури қурилди. Бу газ қувури Жанубий Қирғизистоннинг ёқилғи балансини ўзгартириб юборади. Тошкент — Фрунзе — Олмаота газ қувури ишга туширилиши натижасида газ билан таъминлаш ишлари янада кенг кўламда олиб борилади.

Қирғизистон машинасозликнинг йирик маркази бўлиб қолмоқда. Республика машинасозлиги хусусан кейинги йилларда ғоят ривожланди. Шу етти йилликдагина машиналар, станоклар, приборларнинг 120 дан кўпроқ янги хилини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу йил машинасозлик ва металл ишлаш саноатининг маҳсулоти 26 процент ортади. Қирқта янги машинани, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги учун юк автомобиллари, автосамосвалларни, даштлик, ярим даштликлардаги яйловларни ва баланд тоғлардаги яйловларни сув билан таъминлайдиган махсус установкалар кўплаб ишлаб чиқарила бошлайди. Қирғизистон маркази қўйилган юздан ортиқ номдаги машина, станок ва приборлар чет эллардаги 55 мамлакатга экспорт қилинмоқда.

Электрлаштиришни ривожлантириш соҳасида янада катта муваффақиятларга эришилди. Революциядан илгари Қирғизистонда бир кишига йилига ярим киловатт-соатдан камроқ электр энергияси тўғри келар эди. 1965 йилда республикада 2,3 миллиард киловатт-соатдан ортиқ, яъни 1913 йилда бутун чор Россиясида бўлганидан 1, 2 баравар кўп электр энергияси ишлаб чиқарилди.

Лойиҳачилар ва қурувчилар эса бундан ҳам жадал ҳаракат қилмоқдалар. Тўқтағул ГЭСи қурувчилари катта галаба қозондилар. Қирғизистондаги шўх Норин дарёси тўсилди, бу ерда Ўрта Осиёда энг йирик деб ҳисобланган гидроузел қурилмоқда. Бу гидроузел 4,4 миллиард киловатт-соат электр энергияси беради, сув омборига эса 19 миллиард кубометр сув қуйилади. Ана шу сув омбори Қирғизистондагина эмас, балки қўшни қардош республикаларда ҳам қарийб икки миллион гектар ерни сув билан таъминлайди.

Ирригация-энергетика комплексини бутун мамлакат қурмоқда. Бепоён Ватанимизнинг ҳамма қисмидан ёшлар қурилишга келишди. Иттифоқдош республикаларнинг заводлари машина ва ускуналарни етказиб бермоқда. Тўқтағул гидроэлектростанциясини халқимиз дўстлик иншооти деб атаётганлиги бежиз эмас. Бу — совет халқларининг қардошларча ҳамкорлигини кўрсатувчи намуна эмасми!

КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорлари республиканинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатди. Қирғизистон ўтган йили пахта сотиш планини ошириб бажарди. Қанд лавлаги 1964 йилдагига нисбатан икки миллион центнер кўп топширилди. Биз бунга асосан ҳосилдорликни ошириш йўли билан эришдик.

Ватанимиз деҳқоннинг зўр ғайрат билан қилган меҳнатига юксак баҳо берди. Қирғизистон лавлагикорларидан 243 киши Совет Иттифоқи орден ва медаллари билан мукофотланди, тўрт кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий тармоғи бўлган чорвачилик йил сайин ўсмоқда. Давлатга гўшт, сут, жун, тухум планда кўрсатилганидан анча кўп сотилди.

Бу муваффақиятлар кишиларни маънавий жиҳатдан мамнун қилибгина қолмай, балки моддий жиҳатдан катта наф ҳам келтиради. Колхозлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини реализация қилиш йўли билан 1964 йилдагига нисбатан 44 миллион сўм кўп маблағ олдилар. Колхозчиларнинг меҳнат ҳақи ҳам ўсди.

Янги беш йиллик республика олдида катта истиқболлар очиб беради. Қирғизистон жуда катта қурилиш майдонига айланмоқда. 1966 йилда халқ хўжалигининг барча тармоқларига давлат томонидан сарфланадиган капитал маблағлар ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 24,5 миллион сўм ортади.

Кўмир саноати, рангли металлургия, энергетика ва машинасозлик янада ривожланади.

Саноатнинг ўсиб бораётган ресурслари меҳнаткашларнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондириш имконини беради. Қирғизистондаги камвол-мовут комбинати ҳали яқиндагина тўла ишга туширилди, бу комбинат тайёрлаб бераётган газламалар Қозоғистон ва Ўзбекистонда, Балтика бўйи республикалари ва Закавказье республикаларида, Сибирда ва Узоқ Шарқда ҳаммага манзур бўлди. Ҳозирги вақтда тўқимачилик саноатининг яна бир гиганти—50 миллион метрдан кўпроқ газлама ишлаб чиқарадиган Ўш ип газлама комбинати қурилмоқда.

Партия ва ҳукуматнинг халқ фаровонлиги тўғрисидаги гамхўрлиги уй-жой қурилишининг кенг кўламда олиб борилаётганлигида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топди. Етти йил ичида республикада давлат маблағлари ва меҳнаткашларнинг шахсий жамғармалари ҳисобига 6,5 миллион квадрат метр ҳажмида уй-жой фойдаланиш учун топширилди. Қурилиш суръатлари тобора жадалашмоқда. 1966 йилда яна 597 минг квадрат метр ҳажмидаги уй-жойни фойдаланиш учун топшириш планлаштирилди.

Қишлоқ хўжалигида асосий эътибор ҳосилдорликни оширишга қаратилади. Ирригация ишларига айниқса кўп эътибор берилади. Қирғизистонда деҳқончилик асосан сунъий суғориш йўли билан ривожланаётганлиги сабабли ирригация республиканинг қиёфасини ҳақиқатан ҳам ўзгартириб юборади. Энг йирик Ўрғатўқай сув омбори далаларга ярим миллиард кубометр сув бермоқда.

Чуй водийсидаги суғориш системасини реконструкция қилиш тугалланди. Алаарча сув омбори ишга туширилди. Найман сув омбори ишга туширилиш арафасида турибди. Бу йил суғориладиган ерлар ва сув чиқариладиган яйловлар қарийб 70 минг гектар кенгайтирилади. Буларнинг ҳаммаси оқибат натижада кўпроқ миқдорда қанд лавлаги, пахта, бошқа техника ва озиқ-овқат экинлари олиш имконини беради, чорвачиликнинг емхашак базасини мустаҳкамлайди.

Экономиканинг ўсиши, меҳнаткашлар турмуш даражасининг юксалиши, жиддий социал ўзгаришлар фан ва маданиятни янада равнақ топтириш учун ҳамма шарт-шароитни вужудга келтирди. Бизнинг маданиятимиз, санъатимиз катта ва шонли йўл босиб ўтди. Республиканинг олимлари, инженерлари, врачлари, ёзувчилари, композиторлари ўсиб етишди. Шу нарса жуда характерлики, Қирғизистонда яшовчи ҳар ўн минг кишига Франция, Дания, Туркия, Эрондагига нисбатан анча кўп студент тўғри келади.

Икки орденли Қирғизистон КПСС нинг XXIII съездини, Қирғизистон ССРнинг қирқ йиллигини ижодий куч-ғайратга тўлган ҳолда кутиб олмоқда. Ишчилар, колхозчилар, интеллигенция, хуллас ҳар бир киши КПСС Марказий Комитети март ва сентябрь Пленумларининг қарорларини тез ва яхши амалга ошириш, саноат, қурилишнинг ишидаги камчиликларни йўқотиш, қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтиришни таъминлаш тўғрисда ғамхўрлик қилмоқда, бутун куч-ғайратини шунга сарф қилмоқда.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати тевараги маҳкам жипслашган Қирғизистон меҳнаткашлари СССР халқларининг ягона қардошлик оиласида коммунистик қурилиш планларини амалга ошириш учун курашда кун сайин кўп куч-ғайрат сарф қилмоқдалар. (ТАСС).

МОНТАЖЧИЛАР СУРЪАТИ

● ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР ● ИХТИСОСЛАШТИРИШ ЧУҚУРЛАШМОҚДА ● «КЎЧМАНЧИ» МОНТАЖЧИЛАР ● КУСТОВОЙ БАЗАЛАР ● ҲАММА МАЙДОНЧАЛАР ЯНГИ ТЕХНИКА ОЛАДИ.

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги дастлабки қадамларни қўймоқда. Беш йилликнинг биринчи йилида монтажчилар янги заводлар, газ ва иссиқлик билан таъминловчи тармоқлар, электр станциялар, фермалар қуришни ўн икки процент кўпайтирадилар.

— Бу — КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорлари асосида мамлакатимизда қурилиш ишлари яхшиланганлигининг натижаларидан биридир, — деди Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри Г. С. Собиров ЎзТАГ мухбири Е. Ефимов билан суҳбатда.

Янги министрлик составига бешта йирик трест: 93-механизациялаштирилган монтаж трести, «Ўзэлектромонтаж», «Средазтепломонтаж», «Ўзсантехгазмонтаж», «Ташсантехгазмонтаж» трестлари киритилди. Лекин бунда бир неча корхона шунчаки бирлаштириб қўяқолингани йўқ. Эндиликда ҳар бир трест ўзининг техника даражасини ошириш, ишларни яхшироқ ташкил этиш имкониятига эга бўлиб қолди.

Трестлар, участкаларни ихтисослаштириш чуқурлаштирилмоқда. Чунончи металл конструкцияларни монтаж қилувчи трест тузишга зарурат туғилиб қолди. «Промсвязьмонтаж» бошқармаси кенгайтирилмоқда. Бу бошқарма саноат иншоотларида кучсиз токларни қўлланиш билан боғлиқ бўлган барча қурилмаларни жорий этишга доир ишларнинг ҳаммасини ўз зиммасига олади. Қишлоқ жойларда тўртта янги механизациялаштирилган нўчма монтаж колоннаси вужудга келтирилади. Бу нўчма қурилиш корхоналари ихтиёрида ҳар қандай хўжалик ва маданий-маиший қурилишларда конструкциялар билан ускуналарни монтаж қилиш учун зарур бўлган ҳамма турдаги техника-экскаватордан тортиб электр пайвандлаш аппаратигача бўлади. Бу ишда ҳам ихтисослаштиришни жорий этмоқчимиз. Масалан, Андижон областида электр монтаж ва санитария-техника ускуналарини монтаж қилиш билан шуғулланувчи иккита нўчма механизациялаштирилган колонна барпо этилмоқда. Қолган икки колонна Қорақалпоғистон ва Қаршидаги қурилишларда ишлайди.

Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг ишлаб чиқариш базаси мустаҳкамланмоқда. Санитария-техника ускуналари ва электр монтаж буюмлари ишлаб чиқарувчи заводлар кенгайтирилмоқда, трубопроводларни изоляция қилишни арзонлаштирувчи асбошифер қопламалар ишлаб чиқарувчи цех қурилмоқда.

Корхоналарни ихтисослаштириш билан бирга кустовой ишлаб чиқариш базаларни тармоғи вужудга келтирилмоқда. Бу базалар республиканинг айрим районларида, Нукус, Қўқон, Наманган, Андижонда бино қилинади. Олмалиқ, Самарқанд базалари ва бошқа базалар мустаҳкамланади.

Янги техника монтаж ишларини жадаллаштириш ва арзонлаштиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам беради. Мамлакатдаги турли корхоналардан Ўзбекистонга кўтаргич — транспорт ускуналари, пайвандлаш агрегатлари, инструментлар юборилмоқда. Катта-катта блокларни эллик метр баландликка кўтариб бера оладиган юз тоннали дастлабки кран бизнинг ихтиёримизга топширилади. Илгари бир неча бор ўрнатиладиган машина—ускуналар ва конструкцияларни тайёр ҳолда бир йўла жойига ўрнатиб қўйиш мумкин бўлиб қолади.

Эндиликда зарур машиналар ва асбоб—ускуналарни танлаш ва сотиб олишда монтажчиларга катта ҳуқуқлар бериб қўйилди. Бу йил биз техника сотиб олишга банкдан тўрт юз минг сўм қарз олмоқчимиз. Меҳнат унумдорлигининг ошиши ва монтаж қилиш муддатларининг жадаллашиши эвазига бу маблағ бир-бир ярим йилда ўзини қоплаб кетди. Мамлакатдаги барча монтаж корхоналарида ягона техника сиёсати ўтказилаётганлиги фан ютуқлари ва илғор тажрибани жорий этишга ёрдам бермоқда. СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги бу ишда бизга катта мадад бермоқда: Иттифоқ министрлиги чиқарган буйруқда республика министрликларига мосламалар, асбоб-ускуналар, инструментлар, заготовкалар билан ёрдам кўрсатиш, информация материаллари, типовой лойиҳалар билан уларни таъминлаб туриш кўзда тутилган. Мамлакатдаги энг йирик ихтисослаштирилган ташкилотлардан бири — «Главхиммонтаж» Ўзбекистон монтажчиларини оталиққа олди.

Республика министрлигида ташкил этилаётган «Оргстроймонтаж» трести илғор тажрибани умумлаштириш, фан ва техника ютуқларини Ўзбекистондаги монтаж майдончаларида жорий этиш билан шуғулланади. Республикадаги илмий тадқиқот ва лойиҳалаш ташкилотлари бу трестга ёрдам берадилар, деб умид қилмоқдамиз.

Трестларимиз, бошқармаларимиз, участкаларимизнинг ҳаммаси хўжалик ҳисобида ишламоқда. Хўжалик юритишнинг бу методини биз чуқурлаштириб ва такомиллаштириб борамиз, монтаж ишларининг ҳажми ва сифати учун коллективдаги ҳар бир аъзонинг манфаатдорлиги ва масъулиятини ошира берамиз. Министрлик трестларида беш йилликнинг биринчи йилидаёқ олинадиган фойда анча ортиқ бўлишини дастлабки чамаларимиз кўрсатиб турибди.

Монтажчилар Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги, Қишлоқ қурилиши министрлиги ва республикадаги бошқа қурилиш ташкилотларининг коллективлари билан ҳамкорликда ишлаб, республика экономикасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшадилар. Партия XXIII съезди шарафига бошланган вахтада эришилган дастлабки ғалабалар ишимизнинг сўръати юксак, сифати аъло бўлишининг гаровидир.

Пойтахтдаги экскаватор ремонти заводининг ишчи ва инженер-техник ходимлари машиналарни сифатли ремонт қилмоқдалар. Суратда: (чапда) смена топшириқларини 130 процентга етказиб бажараётган илғор бригада аъзолари дан (чапдан ўнгга): И. Исамуҳамедов, В. Ивлев ва А. Муҳиддинов ўртоқлар.

◆ ● ◆

Тошкент пиллакашлик фабрикасининг меҳнат аҳли КПСС XXIII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб баракали ишлаяпти. Бу суратда (ўнгда) корхонанинг пешқадам ишчиларидан Ҳалима Ортиқовани кўриб турибсиз.



А. Тўраев фотолари.

ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИДА

ХИВА РАЙОНИ

Қарор қабул этиш, тадбирлар белгилаш — муайян ишни амалга оширишда қўйилган биринчи қадамдир, холос. Қарорнинг кучи, қараси унинг бажарилишига ва якунланишига партиямиз ҳаётни ўқитириб келмоқда. Топшириқ ва тадбирларнинг ижросини назорат, талабчанлик билан текшириб бориш эса хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда муҳим роль ўйнайди.

Хива район партия конференциясида партия ташкилотлари фаолиятининг бу муҳим соҳасига — ижрони текшириш масаласига кўпроқ эътибор берилди.

Хива район партия комитетининг биринчи секретари Қ. Раҳмонов қилган ҳисобот докладида, делегатларнинг сўзларида қолоқ хўжаликлар экономикасини кўтариш юзасидан белгиланган тадбирлар изчиллик билан амалга оширилганлиги конкрет фактлар асосида таҳлил қилинди. Ўтган йили район бўйича гектаридан 35,2 центнердан пахта ҳосили олинди. 30 центнердан кам ҳосил олган хўжалик бўлмади.

Ўтган партия конференциясида жамоат чорвачилигини ривожлантириш юзасидан вазифалар белгиланган эди. Лекин уларнинг кўпчилиги қоғозда қолиб кетди. Чорвадорлар меҳнатини тўғри ташкил этиш ва уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, фермалардаги иш жараёнларини механизациялаш, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш зарурлигини қайд қилиш билан бирга, делегатлар қатор амалий таклифларни олдинга сурдилар. Шунингдек делегатлар партиявий-сиёсий ва ташкилотчилик ишларида қоғозбозлик ва юзакичиликка барҳам бериш лозимлигини кўрсатиб ўтдилар.

Район партия комитети пленумида Қ. Раҳмонов район партия комитетининг биринчи секретари, Ж. Отажонов ва А. Саъдуллаев секретарлар қилиб сайландилар.

УРГАНЧ РАЙОНИ

Урганч район партия конференциясида район партия комитетининг биринчи секретари П. Назаров қилган ҳисобот докладида ва музокараларда бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини яхшилаш масаласи асосий ўринни эгаллади. Карл Маркс номли колхоз партия комитети иши атрофлича анализ қилинди. Бу ерда партия йиғилиши коммунистларнинг чинакам тарбия мактабига айланган. Қарорларнинг бажарилиши, ҳар бир коммунистнинг партия топшириғини қандай адо этаётганлиги мунтазам назорат қилиб борилади. Сиёсий-тарбиявий, оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришда коммунистлар ишчанлик, ташаббускорлик кўрсатадилар.

Бироқ, Калинин номли, Нариманов номли, «Комсомол» колхозлари партия комитетларининг иши талаблар даражасида эмас. Партия йиғилишларини ўтказишда юзакичиликка йўл қўйилади, қабул қилинган қарорлар баъзан бажарилмасдан қолади, белгиланган тадбирлар амалга ошмайди. Бу хўжаликларнинг қолоқлик сабабларидан бири — партия комитетлари ишлаб чиқаришга бўш, юзаки раҳбарлик қилаётганлигидир. Охунбобоев номли, Чапаев номли колхоз партия комитетларининг секретарлари М. Оллаберганов, Р. Худойберганов ўртоқлар ҳар бир кишига партия ва ҳукумат қарорларини чуқур тушунтириш, коммунистларни умумий иш учун масъулият ҳис этиш руҳида тарбиялаш муҳимлигини таъкидлаб ўтдилар.

Район партия комитетининг пленуми бўлди. Ўртоқ П. Назаров райкомнинг биринчи секретари, А. П. Козлов, Б. Маҳмудов ўртоқлар райком секретарлари қилиб сайланди.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Хатларингизга жавоб

Талон - торожликка чек қўйилди

Иштихон районидаги Киров номли колхозда жамоат мулки талон-торож қилиняпти. Правление раиси Мирзаев, бош бухгалтер Алҳамов ўртоқлар эгри қўл кишиларга қақшатқич зарба бериш ўрнига уларга хомийлик қиляптилар. Қишлоқ хўжалик машиналарини сақлашда эгасизликка йўл қўйиляпти.

Колхозчилардан олинган хатда ана шулар ёзилган эди.

Текширишда колхозчиларнинг хатида келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Колхоз раиси Мирзаевга қаттиқ партиявий жазо берилди. Алҳамов бош бухгалтер вазифасидан олиб ташланди.

Халқ университетлари — тарбия мактаби

БИЛИМ ВА МАЛАКА ЎЧОҚЛАРИ

Мамлакатимизда кенг кўламда юксалган ўрта ва олий таълим билан бир қаторда, халқимизнинг ўз ташаббуси билан ташкил этилган ва ҳаммага манзур бўлган халқ университетлари ҳам совет кишиларининг маданий ҳаётида муносиб ўрин тутмоқда.

Халқ университетлари меҳнаткашлар ўртасида билим тарқатишнинг оммабоп ва самарали шакларидан биридир. У орқали кўп миллионли совет зиёлилари ишчилар ва колхозчиларга билим бермоқдалар, меҳнаткашларни фан, маданият, техниканинг энг янги ютуқлари билан қуроллантирмоқдалар, совет жамияти аъзолари онгида илмий дунёқарашни шакллантириш, уларга коммунистик ахлоқ принципларини сингдиришда партияга яқиндан кўмаклашмоқдалар.

Жамоатчилик асосида иш олиб борувчи халқ университетлари сўнгги йилларда кенг қулоч ёйди ва республикамиз меҳнаткашларининг ҳаётига сингиб кетди. 1964—1965 ўқув йилида бўлиб ўтган халқ университетлари кўриги ва натижаси бунинг ёрқин далилидир. Ҳақиқатан биринчи халқ университетлари пайдо бўлган 1958 йилда Ўзбекистонда фақат 36 та университет, 6 минг тингловчи бор эди. 1965 йилнинг бошида, яъни кўрик бошланиши олдидан уларнинг сони 420 тага, тингловчиларнинг сони 51 минг кишига етди. Кўрик эса уларни янада ўстириб юборди. Ўқув йилининг охирига келиб университетларнинг сони 709 тага, ундаги ўқувчиларнинг сони 81 минг 937 кишига етди. Ўқув йили бошида халқ университетлари 20 соҳани қамраб олган бўлса, йилнинг охирига келиб 34 соҳага ёйилди. Булар орасида фан-техника ва иқтисодий билимлар, ҳуқуқ, педагогика, медицина, қишлоқ хўжалик билимларини ўргатувчи университетлар, коммунистик тарбия, адабиёт ва санъат, маданият университетлари янада ривож топди, халқлар дўстлиги, кутубхоначилик университетлари, ҳарбий ватанпарварлик ва бошқа соҳалар бўйича ҳам бир қанча халқ университетлари ишлай бошлади.

Халқ университетлари фақат сон жиҳатдангина эмас, балки сифат жиҳатдан ҳам жўда ўсди. Улар ташкилан мустаҳкамландилар, уларга кўпгина малакали янги кучлар жалб қилинди, университет машғулотларига бўлган талаб ортди, улар шаклан янада хилма-хил, мазмунан қизиқарли ўта бошлади.

Халқ университетларининг машғулот планлари ва программалари ҳар бир колхоз, совхоз ва саноат корхонасининг шароитига мослаб тузилмоқда. Ўқув-тематик планлар тингловчиларга илм-фаннинг айрим соҳалари билан системали таниишишга имкон беради, шунингдек, фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини ва илғор тажрибаларни ҳам ўз ичига олади. Намунали ишлаётган халқ университетлари ўз тингловчиларининг маълумот даражаларини ва маданий савияларини кўтариш билан бирга, уларга амалий ишларида ҳам ёрдам бермоқда.

Тошкент шаҳар партия комитети қошидаги Коммунистик қурилиш назарияси ва практикасига бағишланган халқ университети партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотларидаги раҳбар ходимларни гоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқтиришда муҳим ўрин тутмоқда. Ў, ўз йўлида учраган ҳамма нарсани ёндирганн, вайрон қилгани ва мажаҳлаб ташлагани ҳолда, искабтопарлик операцияларини кенгайтирмоқда ва «ҳамма ёқни куйдириб, кул қилиш» сиёсатини ўтказмоқда; у, Жанубий Вьетнамнинг каттагина районларидаги қишлоқларни йўқ қилиб ташлаш ва граждан аҳолини қириб юбориш учун напалм, заҳарли газлар ва заҳарловчи химиявий моддалар ишлатмоқда.

Равшанки, Американинг «тинчлик излаш» кампанияси агрессив урушни қучайтириш йўлидаги тайёргарлиини яширишга қаратилган, холос. 20 йилдан кўпроқ вақтдан бери урушнинг огир мусибатларини ўз бошида синаб келаётган Вьетнам халқи тинчликка ҳар кимдан нўра кўпроқ интилади. Бироқ, чинакам тинчликни чинакам мустақилликдан ажратиб бўлмайди. Ҳали Америка агрессив кучлари юртимиз тупроғида қолар экан, бизнинг халқимиз уларга қарши қатъий нураша беради. Бошарти АҚШ ҳукумати масалани тинч бартараф этишни амалда исталса, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг 4 банддан иборат позициясини таниши ва буни конкрет ишлар билан исботлаши керак. АҚШ ҳукумати Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишни ва унга қарши барча бошқа уруш ҳаракатларини бутунлай ва ҳеч қандай шартлар қўймасдан тўхтатиши лозим. Фақат шу тахлитда Вьетнам масаласини сиёсий тарзда ҳал этишни назарда тутиш мумкин.

Президент Хо Ши Мин Америка империалист агрессорларига қарши, ўз ватанининг мустақиллиги ва озодлигини ҳимоя қилиш йўлида Вьетнам халқининг олиб бораётган нурашида унга кўрсатаётган мададлари ва ёрдамлари учун кардош Совет Иттифоқи халқига ва ҳукуматига Вьетнам халқи ва Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати номидан чуқур миннатдорчилик билдирди.

Президент Хо Ши Мин мактубининг охирида бундай деб ёзади: «АҚШнинг ҳаракатлари билан Вьетнамда бениҳоя жиддий вазият вужудга келганини кўриб турганим ҳолда, мен шунга қатъий аминманки, қардош Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг халқи ва ҳукумати халқимизнинг адолатли нурашига бераётган мададлари ва ёрдамларини кучайтирадилар. АҚШ ҳукуматининг «тинчлик» ниқоби остидаги мунофиқона найрангларини қатъиян қоралайдилар ҳамда Қўшма Штатларнинг Вьетнамдаги ва Ҳинди-Хитойдаги ҳар қандай янги макрли режаларига ўз вақтида қаршилик кўрсатадилар».

(ТАСС).

ХО ШИ МИННИНГ Н. В. ПОДГОРНИЙГА МАКТУБИ

Вьетнам Демократик Республикасининг Президенти Хо Ши Мин Америка империалистларининг Вьетнамдаги агрессив ҳаракатлари муносабати билан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорнийга мактуб юборди.

11 йилдан ошиқ вақт мобайнида, дейилади мактубда, Америка империалистлари Жанубий Вьетнамни АҚШнинг янги типдаги мустамлакасига ва ҳарбий базасига айлантириб олиш умидида 1954 йилги Женева битимларини бажаришга йўл бермасдан ва Вьетнамни тинч йўл билан бирлаштиришга тўсқинлик қилиб келдилар. Ҳозирги вақтда улар юртдошларимизнинг ватанпарварлик курашини ваҳшийлик билан бостириш мақсадида жанубий Вьетнамда агрессив уруш қилмоқдалар.

АҚШ империалистлари, деб уқтирилади мактубда, Жанубий Вьетнамда ўзлари тушиб қолган мушкул аҳволдан қутулишга уриниб, шунгача бориб етдиларки, тўғридан-тўғри агрессия қилиш учун Американинг ўша ердаги экспедицион корпусини оммавий миқёсда мустаҳкамлаб, у ерга сателлит мамлакатларнинг қўшинларини юбора бошладилар. Бундан ташқари, улар социалистик лагерга мансуб бўлган мустақил ва суверен мамлакатга—Вьетнам Демократик Республикасига осмондан ҳужумлар қилдилар.

Вьетнамда агрессив урушни кучайтираётган ва кенгайтираётган Америка империалистлари жаҳон жамоатчилиги билан Америка халқини лақиллатиш мақсадида, «тинчлик»га интилмоқдамиз ва «ҳеч қандай шартлар қўймасдан музокаралар бошлашга тайёрмиз», деб айюҳаннос солмоқдалар. Якинда Жонсон ҳукумати «тинчлик излаш» деган ном билан кенг кампания бошлаб юборди ва 14 банддан иборат бўлган таклифни илгари сурди, бу бандларнинг моҳияти шундан иборатки, Қўшма Штатлар Жанубий Вьетнамдан силжимасликка, ўша ерда ўзи тузган қўғирчоқ маъмуриятни сақлаб қолишга ва Вьетнамнинг парчаланишини абадийлаштириб қўйишга уринмоқда.

АҚШ, биз Женева битимларига риоя қилмоқдамиз. деб даъво этмоқда. Бироқ, ана шу битимларнинг асосий моддаларидан бирида чет эл қўшинларини Вьетнамга киритишни тақиқловчи гаплар ёзилган. Башарти АҚШ ана шу битимларга ҳақиқатда ҳам риоя қилаётган бўлса, у ўзининг ҳамма қўшинларини ва ўз шериклари-нинг қўшинларини Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетиши лозим.

АҚШ ҳукумати ўзининг «тинчликни кўзлаган янги ҳаракатлари» ҳақида гапириб, айни бир маҳалда ўзининг Жанубий Вьетнамдаги ҳарбий потенциалини зўр бериб кўпайтирмоқда. У, ўз йўлида учраган ҳамма нарсани ёндиргани, вайрон қилгани ва мажаҳлаб ташлагани ҳолда, искабтопарлик операцияларини кенгайтирмоқда ва «ҳамма ёқни куйдириб, кул қилиш» сиёсатини ўтказмоқда; у, Жанубий Вьетнамнинг каттагина районларидаги қишлоқларни йўқ қилиб ташлаш ва граждан аҳолини қириб юбориш учун напалм, заҳарли газлар ва заҳарловчи химиявий моддалар ишлатмоқда.

Равшанки, Американинг «тинчлик излаш» кампанияси агрессив урушни қучайтириш йўлидаги тайёргарлиини яширишга қаратилган, холос. 20 йилдан кўпроқ вақтдан бери урушнинг огир мусибатларини ўз бошида синаб келаётган Вьетнам халқи тинчликка ҳар кимдан нўра кўпроқ интилади. Бироқ, чинакам тинчликни чинакам мустақилликдан ажратиб бўлмайди. Ҳали Америка агрессив кучлари юртимиз тупроғида қолар экан, бизнинг халқимиз уларга қарши қатъий нураша беради. Бошарти АҚШ ҳукумати масалани тинч бартараф этишни амалда исталса, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг 4 банддан иборат позициясини таниши ва буни конкрет ишлар билан исботлаши керак. АҚШ ҳукумати Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишни ва унга қарши барча бошқа уруш ҳаракатларини бутунлай ва ҳеч қандай шартлар қўймасдан тўхтатиши лозим. Фақат шу тахлитда Вьетнам масаласини сиёсий тарзда ҳал этишни назарда тутиш мумкин.

Президент Хо Ши Мин Америка империалист агрессорларига қарши, ўз ватанининг мустақиллиги ва озодлигини ҳимоя қилиш йўлида Вьетнам халқининг олиб бораётган нурашида унга кўрсатаётган мададлари ва ёрдамлари учун кардош Совет Иттифоқи халқига ва ҳукуматига Вьетнам халқи ва Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати номидан чуқур миннатдорчилик билдирди.

Президент Хо Ши Мин мактубининг охирида бундай деб ёзади: «АҚШнинг ҳаракатлари билан Вьетнамда бениҳоя жиддий вазият вужудга келганини кўриб турганим ҳолда, мен шунга қатъий аминманки, қардош Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг халқи ва ҳукумати халқимизнинг адолатли нурашига бераётган мададлари ва ёрдамларини кучайтирадилар. АҚШ ҳукуматининг «тинчлик» ниқоби остидаги мунофиқона найрангларини қатъиян қоралайдилар ҳамда Қўшма Штатларнинг Вьетнамдаги ва Ҳинди-Хитойдаги ҳар қандай янги макрли режаларига ўз вақтида қаршилик кўрсатадилар».

(ТАСС).

ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Муқимий номли республика музикали драма ва комедия театрининг сўнгги спектаклларидан бири бўлмиш «Момо ер»ни томоша қилган киши мазмунан чуқур, драматик ҳолатларга бой бу асарнинг бош қаҳрамони Тўлғоной образини юксак маҳорат ва ҳаяжон билан талқин этган Ўзбекистон ССР халқ артисти Турсунхон Жаъфарова талантига қойил қолади.

Қирғиз халқи ҳаётидан олинган пьесадаги бу мураккаб образ асарнинг бутун мазмунини очиб беради. Ўз умр йўлдоши ва уч фарзандини фронтга жўнатиб, эри ўрнида колхозда бригада бошлиғи бўлиб қолган бу аёл ғалабага тўла ишонч билан яшайди, катта қийинчиликларга бардош бериб, ирода ва матонат кўрсатади. Артистка Тўлғоной образининг бутун драматизмини шундай маҳорат билан ифодалайдики, томошабинни ҳаяжонга солади, уларни воқеалар гирдобига олиб киради.

Турсунойнинг катта талант билан образ яратишини кузатар эканман, унинг болалик йиллари эсимга тушиб кетди. Онасидан тўрт ёшлигида етим қолган Турсуной Наманганда отаси Жаъфар новвой тарбиясида ўсди. У шаҳардаги 7-қизлар мактабида ўқиган чоғидаёқ ҳаваскорлик тўгаракларида қатнашар, ўзи чилдирма чалар, ашула айтар, музика садолари остида ўйинга тушарди.

Турсунхон 1930 йилда мактабни битирди-ю, бир йилча ўқитувчилик қилиб юрди. Лекин санъатга бўлган катта ҳаваси уни театр даргоҳига чорлади. 1931 йилда Наманган театрида ўн олти яшар Турсунхон дастлаб Комил Яшиннинг «Икки коммунист» пьесасида Арслоннинг олтмиш беш яшар онаси ролини дурустгина ижро этди.

Турсунхоннинг қўнғироқдек ёқимли овози атоқли бастакор-музикачи уста Рўзиматхон ота эътиборини тортди. У Турсунхонга «Учинчи қаландарий» ашуласини ўргатди. Турсунхон бу мураккаб ашулани ўрнига қўйиб, маромига етказиб айтди. Театрнинг атоқли режиссёрлари Раззоқ Ҳамроев, Олим Қосимов, Мукаррама Азизова, Собир Раҳмонов, Мирзажон Дадабоев каби санъаткорларнинг самимий ёрдамида Турсунхон тобора ўсди, маҳорат чўққиларини эгаллай бошлади. Кўп ўтмай ёш артистка «Фарҳод ва Ширин»даги Ширин, «Лайли ва Мажнун»даги Лайли, «Ҳалима»даги Ҳалима, «Нурхон»даги Нурхон, «Офтобхон»даги Офтобхон, «Макр ва Муҳаббат»даги Луиза каби бош ролларнинг энг моҳир ижрочиси сифатида танила бошлади.

Бутун қалби билан санъатга берилиб кетган Турсунхон 1940 йилда Тошкентга — Муқимий номли театрга келди. Турсунхон жуда кўп ашулаларнинг ижрочиси бўлиши билан бирга, 35 йиллик ижодий фаолияти давомида неча ўнлаб пьесаларда бош ролларни ижро этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Турсунхоннинг катта маҳорати шундаки, унга хоҳ ижобий, хоҳ салбий, хоҳ катта, хоҳ эпизодик роль топширилмасин, у асар мазмунини, ўзига топширилган ролни яхши тушуниб, қўшимча материаллар ўқиб сўнг иш бошлайди. Бу ҳассос санъаткор барча ролларда психологик ҳолатларни саҳна воқеаларига боғлаб, уйғунлаштириб, лиризм, нозик ҳис-туйғуларга тўлган ҳолда маҳорат билан ижро этади.

Сўнгги йилларда Турсунхон яратган Нарзи, Нодира, Карима, Рисолат пари, Биби ва бошқа персонажларнинг ҳар бири томошабин эсида узоқ сақланадиган образлар бўлиб қолди.

50 баҳорни кўрган Турсунхон Жаъфарова катта санъат даргоҳида ярим-ярим камолат сари интилиб, изланиб, ижодини бойитиб, қайнаб-тошиб меҳнат қилаётган ажойиб санъаткордир.

Ҳукуматимиз Турсунхон Жаъфаровани совет санъатини ривожлантиришдаги хизматларини юксак баҳолаб, уни орден ва медаллар билан мукофотлади.

Севимли Турсунхон Жаъфаровага узоқ умр, янги-янги ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Санжар ТИЛЛА.

Умумхалқ контроли ўқлари

Яқинда хизмат юзасидан Пастдарғом районидаги «Коммунизм» колхозига бориб қолдим. Оддий колхозчилар, хўжалик раҳбарлари билан суҳбатлашганимда, улар халқ назоратчилари тўғрисида жуда яхши гапларни айтишди. Чиндан ҳам колхоз контролёрлари коллектив хўжалик экономикасини ривожлантириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, қишлоқ меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялашда партия ташкилоти ва правлениега катта ёрдам беришяпти.

Бир вақтлар «Коммунизм» колхози қолоқ хўжаликлардан эди. Айниқса 1963 йилда бу ерда аҳвол оғир эди. Хўжаликнинг бирор тармоғида ҳам план бажарилмади. Колхозчилар эса ўз меҳнатлари учун яхши ҳақ ололмадилар. Колхоз коммунистлари бундай қолоқликка барҳам бериш учун астойдил ишга киришдилар. Партиявий-ташкилий ишлар яхши йўлга қўйилди. Колхоз ишидан бўйин товлайдиган ишёқмаслар, меҳнат интизомини бузувчиларга қарши кескин кураш олиб боришда халқ назоратчилари яқин таянч бўлиб қолдилар. Ўшандан бери орадан икки ярим йил вақт ўтяпти. Шу давр ичида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш планлари муттасил бажарияпти. Ҳамма колхозчилар дала ишларида актив қатнашадиган бўлиб қолдилар. Пахта ҳосилдорлиги 5 центнерга ошди, колхозчиларнинг пул даромадлари эса икки баравар кўпайди.

— Кўриб турибсизки, ютуқларимиз чакки эмас, — мамнуният билан дейди колхоз раиси ўртоқ Бозоров.— Лекин буларнинг ҳаммасида халқ контроли группасининг, унинг тиниб-тинчимас раиси Ўроқовнинг ҳиссаси катта. Контролёрлар жамоат мулкини кўз қорачиғидай асраш, ҳар бир кишини ишлаб чиқаришдаги масъулиятини ошириш, меҳнатни ташкил қилишдаги камчиликларни бартараф этишда ташаббускорлик кўрсатишди.

Колхоз халқ контроли группасининг фаолияти билан қизиқдим. Группа 25 контролёрни ўзига бирлаштирар экан. Унинг бригадаларда ва участкаларда постлари ҳам бор. Коллектив хўжаликнинг ҳамма соҳаларига кўз-қулоқ бўлиб туриш ниятида деҳқончилик, чорвачилик, механизация секторлари тузилган. Шунингдек ахборот сектори ҳам ташкил қилиниб, унинг ёрдамида қайси участка ёки бригадада аҳвол қандай эканлиги кузатиб борилади. Группа ва постларнинг ҳисоботлари партия ташкилоти бюро мажлисларида муҳокама қилинади. Бултур назоратчилар томонидан қарийб 25 марта ҳар хил рейд ва текширишлар ўтказилди. 9 рейднинг натижалари партия бюросида муҳокама қилиниб, тегишли тадбирлар белгиланди. Қолган текширишларнинг натижалари эса правление ҳамда бригадалар коллективларининг умумий йиғилишларида муҳокама этилди.

— Биз нимаики иш қилмайлик, ҳамма вақт КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларини амалга оширишни бир лаҳза ҳам унутмаймиз, — ҳикоя қилади назоратчилар группасининг раиси Ўроқов. — Мана ҳозир ҳам 1966 йил ҳосили учун курашга ҳисса қўшяпмиз. Назоратчиларимиз ерларнинг шўрини ювиш, ариқ-зовурларни тозалаш, далага маданий ва маҳаллий ўғитлар ташиб чиқариш устидан қатъий контроль ўрнатишди. Бундан ташқари бригада ва чорвачилик фермаларидаги контроль постларимиз меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, колхоз мол-мулкини кўз қорачиғидай асраш борасида ташкилотчилик кўрсатишяпти.

Илгарилари колхоздаги айрим камчиликлар ҳақида қишлоқдагилар кўпинча юқори партия, совет органларига ёзишарди. Эндиликда бундай шикоятлар фақат колхоз халқ контроли группаси номига келяпти ва шу ернинг ўзида ҳал қилиняпти. Лекин шуниси характерлики, кишилар фақат шикоят ва аризалар билангина эмас, балки қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини намунали ташкил қилиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга қаратилган қимматли таклиф ва мулоҳазалари билан ҳам группага мурожаат қилишади. Бу — қишлоқ назоратчилари колхоз аъзоларининг ишончини тобора кўпроқ қозонаётганини кўрсатади.

Колхоз далаларида баҳорги экишга тайёргарлик ишлари тобора қизитиляпти. КПСС XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Бу мақсад йўлидаги курашга колхоз назоратчилари муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Н. СУРСКИЙ,
Республика халқ контроли комитетининг инспектори.

ҲАРАКАТСИЗ ВАГОНЛАР

Область халқ контроли комитети темир йўл станцияларида юк ортиш ва туширш ишларини пухта йўлга қўйиш, вагонлардан фойдаланиш қай аҳволда эканини текширди. Аниқланишича, область ва Урганч шаҳар хўжалик ташкилотлари ўзларига қарашли тармоқ темир йўлларида юк ортиш ва туширш ишларини яхшилаш соҳасида бирмунча ютуқларга эришган. Лекин айрим хўжалик ташкилотлари, баъзи бир раҳбарлар область ижроия комитетининг темир йўл вагонларидан тўғри фойдаланиш ҳақидаги қарорини бажаришга совуққонлик билан қараб келмоқдалар.

Область матлубот жамияти, область ремонт қурилиш бошқармаси, колхозлараро қурилиш ташкилоти, 167-қурилиш трестларига қарашли юк ортиш-туширш майдончалари талабга жавоб бермайди, темир йўл транспортининг бир меъёрда ишлаши ҳамда юкларнинг яхши сақланиши таъминланмаган. Айрим пайтларда юклар ифлос, очиқ жойларга туширилади. Оқибатда уларнинг сифати бузилиб, қанчадан-қанча халқ мулки совриляпти. Область колхозлараро қурилиш трести (бошлиғи ўртоқ Расулев) ўтган йили юкларни туширш учун махсус майдонча қуриши керак эди. Шунингдек, темир йўл тармоғи билан саноат базаси қуришга 7 гектар ер ажратилди. Бироқ, ҳалигача ана шу тадбирлар қоғозда қолиб кетяпти. Маълум бўлишича, бу қурилишларнинг лойиҳаси фақат шу йилнинг биринчи квартали ичида тайёр бўлар экан.

Область ремонт қурилиш бошқармасида ҳам аҳвол ачинарли. Бу ерда юкларни вагонларга ортиш ва туширш гоят тартибсиз равишда олиб борилади. Ташкилотнинг юклари узоқ вақт станцияда қолиб кетади. Бундан корхона ҳам, темир йўл хўжалиги ҳам зарар кўряпти, холос. 167-қурилиш трести раҳбарлари область ижроия комитетининг тармоқ йўлларини тартибга солиш ҳамда доимий фойдаланишга топшириш ҳақидаги қарорини ҳануз бажаришмаяпти.

Областнинг ҳамма ташкилотлари учун келтирилган қўмирни махсус бир жойга туширш ҳақида кўрсатма берилган эди. Лекин бунга амал қилинмасдан, ҳар ташкилот ўзига келтирилган кўмирларни ҳар жой-ҳар жойга туширяпти. Бу, сўзсиз, темир йўл ишининг пухта бўлишига тўсқинлик қилади. Баъзан шундай бўладики, станцияларда бир неча хил халқ хўжалиги юклари уйилиб ётади. Яғи келтирилган юкларни эса туширишга жой йўқ. Яқинда биз шундай манзарага дуч келдик. Урганч темир йўл станциясида 15.610 тонна ҳар хил юклар уйилиб қолган. Уларни эгаларига етказиш билан ҳеч ким жон куйдириб шуғулланмаган. Айниқса қурилиш материаллари, темир-бетон буюмлари ва бошқа хил юклар узоқ туриб қолгани сабабли сифати бузилган.



Баҳорги экиш кампаниясига тайёргарлик бошланиб кетди. Қишлоқ меҳнаткашларининг ташвиши кўпайди. Халқ контролёрлари ҳам бу курашда актив қатнашмоқдалар. Суратда: Жиззах районидаги Навоий номли колхоз назоратчилари (ўнгдан) И. Солиев, С. Абдумуротов ўртоқлар техника ремонтининг сифатини текширмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

Хива пахта заводи ўз номига келган юкларни вақтида ташиб олмайди. Ўтган йилнинг 15 ноябридан бери заводнинг 300 тонна кўмири темир йўл станциясида тўкилиб-сочилиб ётибди. Бир қанча ускуналар ҳам очиқ ҳавода турибди. Урганч пахта заводида ҳам аҳвол шундай. Корхонанинг номига келган кўмир бир неча ойдан бери очиқ ҳавода ётибди. Икки вагон ускуна ҳам ҳануз ташиб олингани йўқ.

Область темир йўл тармоқларида 6 минг тоннага яқин темир-бетон буюмлари брак қилинганича турибди. Хоразм ва Янгибозор қурилиш-монтаж бошқармалари учун келтирилган бу юклар темир йўл ишини бир меъёрда олиб борилишига тўғоноқ бўляпти.

Урганч шаҳар ремонт-қурилиш участкаси, Главгазнинг 4-қурилиш бошқармаси, Хива ва Урганч матлубот жамиятлари ва бошқа бир қатор ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам халқ хўжалиги юкларини вақтида ортиш ва ташиб олиш соҳасида совуққонлик кўрсатишяпти.

Кези келганда шуни айтиш керакки, станциялардаги майдончаларда юк ортиш ва туширш ишлари яхши ташкил қилинмаган. Айниқса қурилиш материалларини туширш ва ортиш кўпинча қўл кучи билан бажарилади. Ҳолбуки, бу ишларни тўла механизациялаштириш мумкин. Оқибатда темир йўл вагонлари узоқ вақт бекор туриб қолади. Фақат ўтган йилнинг ўзида 10 220 вагон нормадан ортиқча ушлаб турилган. Бунинг учун эса 87 минг 664 сўм жарима тўланган.

Областдаги энг йирик Урганч темир йўл станциясида (бошлиғи ўртоқ Назаров) юк ортиш ва туширш майдончаларини намунали аҳволда сақлаш ишлари пухта ташкил қилинмаган. Юк ортиш учун вагонлар ўз вақтида етказиб берилмайди. Станцияга келтирилган юкларнинг эгаларига кўпинча кечикиб хабар берилади. Баъзан станцияда вагонлар кўплаб йиғилиб қолади. Ишчи кучи эса етишмайди. Темир йўл станцияси ходимлари ҳужжатларни расмийлаштиришда ҳам қўпол хатоларга йўл қўйишади. Бу эса станция ишини пухта ташкил этишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Станция раҳбарлиги тармоқ йўллар қурилиши ҳамда уларни кенгайтиришга алоқадор бўлган масалаларни сусткашлик билан ҳал қилмоқдалар.

Халқ хўжалиги юкларини қурилишлар, корхоналар ҳамиша кутиб туради. Чунки бусиз ишлаб чиқаришни давом эттириб бўлмайди. Корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда темир йўлчилар буни доимо ёдда тутишлари зарур. Юк ташиш ва ортиш ишларини намунали йўлга қўйиб, темир йўл ҳаракатининг бир текисда бўлишига эришиш уларнинг жонажон ишидир.

М. РАҲИМОВ.
Хоразм область халқ контроли комитетининг раиси.

Расом блокнотидан



Ушовидан тушови қиммат.

Тежамбоевнинг айтганларини қилинг-у, қилганини қилманг!



Лангар ташлаган вагонлар.

М. Воробейчиков чизган расмлари.

ТЕМИР ЙЎЛЧИНИНГ ТАШВИШИ

Тартиб-интизом ҳамма ерда керак. Лекин темир йўлда айниқса зарур. Чунки ҳаммага маълумки, ҳар бир темир йўл линияси, ҳар бир вагон қатъий график асосида ишлатилгандагина халқ хўжалигимизнинг бу соҳаси экономикамизга катта ҳисса қўша олади. Бироқ, афсуски, темир йўл станцияларида тартиб намунали бўлиши фақат темир йўлчиларгагина эмас, балки шу темир йўл ташиётган юкларни қабул қилиб олувчи ташкилотлар, уларнинг раҳбарларига ҳам боғлиқдир.

Биз ана шу ҳақда, темир йўл юкларининг эгалари тўғрисида гапирмоқчимиз. Негаки, кўпинча шуларнинг айби билан вагонлар станцияларда узоқ вақт бекор туриб қолади. бунинг учун эса минглаб сўм штраф тўланади. Чунончи, республика Қурилиш министрлиги ҳамда «Узсельхозтехника» бирлашмасининг айрим ходимлари, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ўзларига тегишли юкларни барвақт ташиб олишда масъулиятсизлик қилмоқдалар. Масалан, ўтган йили қурилиш министрлиги ҳамда 36 та корхона юкларни ўз вақтида ташиб олмай, бу билан халқ хўжалигига анча зарар етказган. Мазкур ташкилотлар қарийб 190 минг сўм штраф тўлаганлар. 159-қурилиш трестининг моддий-техника таъминоти конторасиси вагонларни ушлаб туриш нормасини 3,3 соатга ошириб юборган, айрим вақтларда эса вагонлар суткалаб туриб қолган. Шу боисдан ҳам контора 12 минг сўм штраф тўлади. 153-қурилиш трестининг моддий-техника таъминоти конторасида ҳам аҳвол ачинарли. Бу ерда вагонлар нормадан ташқари 5-6 соатлаб банд қилиб турилади. Шунинг учун ҳам контора бултур қарийб 25 минг сўм штраф тўлаган экан, бунга ажабланишнинг кераги йўқ. Темир-бетон буюмлари заводи эса вагонларни банд қилиб туриш нормасини 8 соатга ошириб юборгани учун ҳам 13 минг сўм штраф тўлашга мажбур бўлди.

«Таштрансспецстрой» трестининг 5-қурилиш бошқармаси вагонлардан самарали фойдаланмаяпти. Чирчиқ қурилиш материаллари комбинати, 9-трестнинг қурилиш материаллари комбинатида ҳам вагонларда юк ташиш ва юк ортиш ишлари ёмон аҳволда. «Узсельхозтехника» бирлашмасига қарашли ташкилотлар юк ташиш ва туширш графигини ҳамиша бузиб келишади. Бунинг учун улар «бори-йўғи» 57 минг сўм штраф тўладилар. Ҳа, улар ўз чўнтагидан эмас, балки давлат маблағидан тўлашади-да! Бўлмаса, юк ташиш ва юклаш ишларини яхшилашга ҳаракат қилишмасмиди!

«Узсельхозтехника»нинг Сирдарё район бирлашмаси, Калинин район савдо базаси ва бошқа кўплаб ташкилотлар ҳамда корхоналар ўз юкларини график бўйича ортиб ёки ташиб олмай, темир йўл ишининг бир меъёрда боришига халақит бермоқда. Айниқса қурилиш министрлиги ҳамда «Узсельхозтехника» бирлашмасининг раҳбарлари юк вагонларидан самарали фойдаланиш ҳамда транспорт хўжалигини ривожлантиришга қаратилган тадбирларнинг бажарилиши устидан назоратни бўшаштириб юборишган.

Биз асосан юк эгаларининг бепарволиги ва хўжасизлиги ҳақида гапирдик. Лекин темир йўл станцияларининг фаолиятида ҳам бир қатор камчиликлар бор. Улар темир йўл транспортида қўлга киритилаётган илғор иш усулларидан яхши фойдаланмаётирлар. Республикамизнинг бешта темир йўл станцияси Антрацит станциясининг илғор иш усулига кўчиши лозим эди. Ҳолбуки, бу методга фақат Охунбобоев станциясигина ўтган, холос.

Халқ хўжалиги юкларини ташиб олиш ишларини пухта ташкил этиш халқ назоратчиларининг ҳам диққат-эътиборида туриши зарур. Улар юк ортиш ва туширишда юз бераётган камчиликларни ўз вақтида бартараф қилиш, айниқса унинг олдини олиш юзасидан актив фаолият кўрсатиши лозим.

А. РАҲИМОВ.

УСКУНАЛАР ТЎЛА ҚУВВАТ БИЛАН ИШЛАТИЛСИН

Ўтган 1965 йилда пахтанинг саноат сортлари жуда яхши бўлди, кўп пахта биринчи сорт ҳисобидан тайёрланди. Йилнинг тўртинчи кварталида тозаланган пахта қуритиш цехига тушмади, тўғридан тўғри тола ажратиш цехига ўтди. Пахта заводларининг иши унумли бўлди. Кўпчилик корхоналар ҳар тонна пахтадан нормадагидан зиёдроқ — 34 процент ва ундан ҳам ошиқ сифатли тола олишга эришдилар. Толанинг ўртача узунлиги 32 миллиметр бўляпти. Бу тўқимачилик корхоналари коллективларини қувонтиради.

Областдаги бешта пахта заводи мавжуд техника, ускуналардан тўла-тўкис фойдаланса, янада унумли ишлаши, ҳамма тайёрланган пахтани муддатида тозалаб улгуриши мумкин. Заводларнинг ишлаб чиқариш қуввати йил сайин оширилаётганлигига қарамай, 1964 йилнинг анчагина ҳосили янги мавсумгача ҳам тозаланмай қолиб кетди.

Бунга асосий сабаб шуки, ишлаб чиқариш қуввати оширилган заводларга хом ашё ўз вақтида етказиб берилмаяпти, машина ва агрегатлар кўп вақт бекор туриб қоляпти. Бу жиҳатдан Самарқанд ва Жума пахта заводларида аҳвол айниқса ёмон. Эски маркали камқувват пресс установкалари «Б-374» маркали серунум агрегатлар билан алмаштирилган, қозон цехи табиий газ ёқилғисига кўчирилган **Самарқанд пахта заводида ишлаб чиқариш қувватининг ўрта ҳисобда 75 процентидан фойдаланиляпти.**

Самарқанд заводи Пайариқ районида Иштихон районидаги Оқдарё зонасининг тайёрлов пунктларидан қабул қилган пахтани тозалайди. Заводга пахта олис пунктлардан ташиб келтирилади.

Асосан узоқ жойлардан ташиб келтирилаётган пахтани тозалайдиган бу заводда толанинг таннархи қимматга тушаётир. Масалан, **1960 йилда бир тонна толанинг таннархи 783 сўмга тўғри келган бўлса, 1962 йилда 849 сўмга тушди. 1964 йилда эса 990 сўм бўлди.**

Биз пахта тайёрлаш трестида бўлганимизда, трест бошқарувчиси ўртоқ Тоҳир Миркамолов кабинетидаги стол устида бир ёзма докладга кўзимиз тушди. Маълум бўлишича, бу ёзма доклад бултур 26 августда бошқарувчи номига ёзилган экан. Шунча вақтдан бери бир талай чалкашликлар ҳақида фикр юритилган бу масала қараб чиқилмаганлигига ҳайрон бўлдик ва сабабини бошқарувчидан билишга қизиқдик:

— Нега бу мулоҳазалар шу чоққача кўриб, ҳал қилинмаган?

— сўрадик трест бошқарувчисидан.

— Кўп ўйлаяпмиз, энди ҳал қилмоқчимиз, — деб жавоб қайтарди у.

Трест план бўлимининг бошлиғи Ф. Глузман томонидан ёзилган ёзма докладда Зирабулоқ билан Каттақўрғон пахта заводларидаги чалкашликлар таъкидланган, уларни қандай қилиб бартараф этиш йўллари кўрсатилган. Пахта пунктларини заводларга тўғри биркитиш, Зиёвуддинда қурилиши планлаштирилган янги заводни тезроқ барпо этиш айни муддао эканлиги таъкидланган.

Зирабулоқ пахта заводини реконструкция қилиш, тола ва момиқ ажратиш цехларини кенгайтириш ҳақида уч йилдан бери гап боради. Заводда яна бешта машина ўрнатилиши керак. Шунда корхона 65-70 минг тонна пахтани ишлаш қувватига эга бўлади. Нарпай район колхозлари етиштирадиган ҳамма пахтани ишлай олади.

Ҳозир Зиёвуддин ва Султонобод қабул пунктларидан пахта Бухоро областининг пахта заводларига жўнатиляпти. 1965 йил ҳосилидан камида 15 минг тонна пахта Ғиждувон заводига етказиб берилиши керак. Бунинг учун 80 минг сўм ортиқча харажат сарфланади. Демак, Ғиждувондаги заводда тайёрланадиган пахта толасининг таннархи анча ошиб кетади. Агар Зирабулоқ заводи тўла қувват билан ишлаганда эди, шу ортиқча харажат бўлмасди.

Хўш, Зирабулоқ пахта заводини реконструкция қилиш ва кенгайтириш қандай боряпти? Бўлса бўлар, бўлмаса говлаб кетар қабилида.

— Янги, «ХДД-2 М» маркали тўртта жин машинасини олганмизга, — дейди завод бош инженери В. Е. Миронов, — анча вақт бўлди. Лекин пресс машинаси бўлмаганлигидан улардан фойдалана олмай турибмиз. Бу тўғрида Ўзбекистон ССР собиқ Халқ хўжалиги кенгашига, область пахта тайёрлаш трестига бир неча марта мурожаат қилдик, сира натижа бўлмади. Трест Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш министрлигига солади, министрлик эса 35 минг сўм турадиган пресс билан таъминлашни пайсалга солиб келяпти.

Самарқанд область пахта тайёрлаш трестининг раҳбарлари (бошқарувчиси Т. Миркамолов, бош инженери М. Семидеткин) пахта заводларининг қувватини ошириш, ускуналардан унумли фойдаланиш, ҳар бир завод экономикасини кўтаришга жиддий эътибор беришлари керак.

Л. ЭРГАШЕВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Муроссасизлар сигнали

КЎРГАН БОРМИ?

Сарайқўрғон қишлоғида дув-дув гап. Катта ҳам, кичик ҳам бир-бири билан учрашса, салом-алиқдан сўнг «кўрган борми?» деб қўяди. Ўзи нима гап? Тетапоя бўлган бола йўқолиб қолдими?! Йўқ! Бутун бошлиқ қишлоқ Совети ғойиб бўлибди... Справка олиш, ёхуд нафақа ҳужжатларини тўғрилаш учун куйиб-пишиб юрган кишилар оз дейсизми? Улар:

— Сарайқўрғон қишлоқ Совети қаерда? — деб сўрашса Каттақўрғон район ижроия комитетидаги ўртоқлар пинак бузмай бундай дейдилар:

— Биродарлар, шу ҳам ташвишми? Сайёр қишлоқ Совети «сайр» қилиб юргандирда...

Дарвоқе, қишлоқ Совети 1957 йилга қадар «бошпанаси» бўлмагани учун роса «сайр» қилди. Қишлоқнинг у чеккасидан бу чеккасига, у бинодан бу бинога кўчаверди. Бунинг азобини қишлоқ Советидагилардан сўранг. Ниҳолт, ўша йили сарайқўрғонликлар юқори ташкилотларга қатнай-қатнай қишлоқ Совети бюджети ҳисобидан тўрт хонали бино қурдириб олдилар. Улар қишлоқ Советимиз энди бошпанадан ёлчиди, деб юришганда, бирдан район прокуратурасидаги ўртоқларнинг суқи ўша бинога тушиб қолди. Қишлоқ Советидагилар дастлаб бўш келишмади:

— Пешана теримиз билан қурдик. Бинони бўшатмаймиз, — дейишди.

Шунда район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Шакаров ўртага тушди:

— Вақтинча икки хонани прокуратурага бериб турингиз, — деди у. Бир ой ўтгач эса райижроком раиси яна телефон қилди:

— Бино бутунлай прокуратурага бўшатиб берилсин!

Шундан кейин қишлоқ Совети аллақаердаги складга кўчирилди. Яна эски ҳаммом — эски тос деганларидек, кўч-кўч бошланди. Меҳнаткашлар қишлоқ Советини қачонгача қидириб юришади?

Қ. НАРЗИЕВ,
қишлоқ Советининг ходими.

ТАНИ БОШҚА...

Қишлоқ оқшоми файзли бўлади. Завқли меҳнатдан сўнг кишилар завқли дам оладилар. Қизил чойхоналарда хушчақчақ суҳбатлар бошланади, коллектив бўлиб телевизор кўришади, радиодан оромбахш куй-қўшиқлар тинглашади. Ленин бизнинг қишлоқдачи? Бир келиб кўринг. Масалан, Крупская номли зонада кечқурунлари кишилар жинчироқда ўтириб, топишмоқ айтишади. Бир шингил эшитинг:

— Бир сават анор, ҳаддинг сиғса битта ол. Топинг! — дейди бири.

— Районимиздаги ГРЭС, — дейди иккинчиси. Ахир унинг қувати қанча-қанча қишлоқ ва шаҳарларни чароғон қилмади! Афсуски, биз ҳамон қоронғуда қолиб кетяпмиз.

— Менимча, бир сават анор топишмоғи раисимизнинг қуруқ ваъдаси бўлса керак, — дейди бошқа бир киши.

Бухоро область, Навоий районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси ўртоқ Одилов бир неча йилдан бери «агар пахта планини дўндирсаларинг бутун қишлоқни нурга чўмдириб юбораман» деб ваъда беради. План ошириб эдо этилмоқда. Аммо раис ўз ваъдасини бажо келтирмаётир. 1964 йил ҳисобот даврида қишлоқни электрлаштириш учун ҳар бир хонадондан пул ҳам йиғиб олинди. Қишлоқнинг колхоз раҳбарлари яшаётган маркази электрлаштирилди, холос. Колхозчилар бу масалада ёрдам сўраб бир неча бор район ижроия комитетига мурожаат қилдилар. Охирги марта район ижроия комитетидан қишлоққа «Сизлар 1965 йил охирига қадар Ильич чироқларидан тўла баҳраманд бўласизлар» деган хат келди. Райижрокомнинг қарори ҳам бу йил бажарилмайдиганга ўхшайди. Яқинда қизиқ воқеа бўлди. Колхозда маданий-маиший аҳволни текшириш учун вакил келган эди. У электрлаштириш масаласи билан қизиққан экан, раис электрлашган ўз участкасини кўрсатиб «Ҳаммаёқ чароғон» деб мақтанибди. Буни эшитган баъзи колхозчилар миёнгида кулишиб, тани бошқа дард билмас, деб юришибди.

Э. БАДАЛОВА,
Ф. ҲАСАНОВ,
қишлоқ ўқитувчилари.
С. БАҲРОМОВ,
колхозчи.

ЙЎЛ АЗОБИ

Урганч шаҳридан чиққан автобус Гурлан район марказига етгач, «Гулистон» колхози томон бурилди-ю, «нафаси» ичига тушиб секинлай бошлади. Кейин чайқалиб, таққа тўхтади. Йўловчилар туртиниб, бир-бирига урилди.

— Ҳеч-ким йўқ, ҳа демай манзилга етиб оламиз, — деб йўловчиларга тасалли берди шофер.

— Омон-эсон етиб олсак бас,— деди бир киши.

— Бу йўл қачон тузатилар экан?

Савол берган йўловчининг гапи оғзида қолди. Машина қаттиқ силкинди. Кишилар ўриндиқларга маҳкам ёпишди. Ҳар куни аҳвол шунақа.

Бир неча йилдан буён район маркази билан «Гулистон» колхози орасидаги йўлда кўпгина машиналарнинг «умри» бевақт тугади. Чунки йўл ўнқир-чўнқир: ёзда чанг, қишда лой. Қишлоқ меҳнаткашлари йўлни тартибга келтиришни сўраб район ва колхоз раҳбарларига бир неча марта мурожаат қилдилар. Ленин уларнинг ҳақли талаблари ҳамон қондирилмаётир. Йўл азобидан қачон қутуламиз?

К. ИБРОҲИМОВ,
йўловчи.

Совет Ўзбекистони да босилгандан кейин

«МУЗЛАГАН УСКУНАЛАР»

Қашқадарё область партия комитети хабар қилади:

«Совет Ўзбекистони» газетасининг 1965 йил 21 декабрь сонида умумхалқ контроли саҳифасида босилган «Музлаган ускуналар» сарлавҳали танқидий мақолада келтирилган факт лар текширишда тўла тасдиқланди. Унинг якуни дастлаб Шаҳрисабз консерва ва пахта тозалаш заводлари, Китоб вино заводи партия ташкилотларида кенг муҳокама қилинди. Коммунистлар келтирилган мисолларни мутлақо тўғри деб топдилар. Сўнгра танқидий мақола район партия комитетида муҳокама этилиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилишга қаратилган тадбирлар белгиланди, коммунистларнинг машина ва агрегатлар қувватидан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган таклиф ва мулоҳазалари тўла ҳисобга олинди.

Область партия комитетининг шу йил 15 январда бўлиб ўтган бюросида область саноат корхоналарининг 1965 йилдаги хўжалик фаолияти якуни муҳокама қилиниб, барча корхоналарнинг раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари зиммасига мавжуд машиналар, асбоб-ускуналар қувватидан унумли фойдаланиш йўли билан кўп, арзон, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва тайёрлаш вазифаси юкланилди.

«АЙТСАМ ТИЛИМ КУЯДИ...»

«Совет Ўзбекистони» газетасининг (умумхалқ контроли саҳифасида 1965 йил 20 ноябрь сони) босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Фарғона область, Бағдод районидаги «Ленинград» колхозида жамоат чорвачилигини ривожлантириш, чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, таннархини арзонлаштиришга етарли эътибор берилмаётгани, колхоз раҳбарлари чорва қишловини ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказишга бепарволик билан қараётгани қаттиқ танқид қилинган эди. Шу мукосабат билан район партия комитетидан қуйидаги жавоб олинди:

Текширишда мақолада келтирилган танқидий мулоҳазалар тўла тасдиқланди. Текшириш якуни правление ва партия ташкилотининг кўшма мажлисида муҳокама этилиб, йўл қўйилган камчиликларни тугатиш тадбирлари белгиланди. Жумладан, Қароқчитол, Қоровултепа участкаларидаги чорва бинолари ремонт қилинди. Қиш фаслида ҳам сигирлардан мўл сут соғиб олиш мақсадида фермаларга қўшимча ем-хашак ажратилди. Чорвачилик мутахассисларига мажжуд сут соғиш агрегатларини тезда ўрнатиш ва ишга туширш, кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаш йўли билан маҳсулот таннархини камайтириш чораларини кўриш тепширилди. Сут-товар фермасида ем-хашак майдалайдиган агрегат ишга туширилди.

ФИНЛЯНДИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XIV СЪЕЗДИДА В. В. ГРИШИН НУТҚИ

ХЕЛЬСИНКИ, 29 январь. (ТАСС). Финляндия Коммунистик партиясининг бу ерда ўтказилаётган XIV съездида бугун КПСС делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат В. В. Гришин сўзга чиқди. У айтдики, ҳозирги замоннинг барча асосий масалаларига қарашларнинг муштараклиги ва шу масалалардаги тўла ҳамжиҳатлик КПСС билан Финляндия Компартияси ўртасидаги муносабатларнинг характерли белгисидир.

Ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг туб манфаатларини, ўз халқининг миллий манфаатларини чинакам ифодаловчи Финляндия Компартияси, деди В. В. Гришин, ҳозирги вақтда ишчилар синфининг оммавий партияси, мамлакатдаги сиёсий ҳаётнинг муҳим фактори бўлиб қолди.

КПСС делегациясининг бошлиғи Совет—Финляндия муносабатларига тўхталиб айтдики, СССР билан Финляндия ўртасида турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши принципларига асосланган дўстлик муносабатлари муваффақиятли ривожланиб бормоқда.

Совет Иттифоқи билан дўст бўлишга қаратилган йўлни, деб давом қилди В. В. Гришин, фин халқининг катта кўпчилиги қўллаб-қувватлаётганлиги маълум. Бу йўл, аввало фин халқининг манфаатларига, Финляндия Республикасининг миллий манфаатларига мос бўлиб тушмоқда. Совет Иттифоқига келганда, деди В. В. Гришин, биз мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатлари халқларимизнинг бахт-саодати йўлида ривожлана ва мустаҳкамлана бериши учун бундан буён ҳам ҳамма чораларни кўра берамиз.

Партиянгизнинг съезди, деди сўнгра В. В. Гришин, социализм, миллий озодлик, тараққиёт кучлари билан империализм кучлари ўртасида кураш кескинлашиб бораётган жуда мураккаб халқаро вазиятда ўтмоқда. Вьетнам халқининг курашн, деди нотиқ, бутун прогрессив инсониятнинг жонажон иши бўлиб қолмоқда. Курашаётган Вьетнам халқига ёрдам кўрсатмоқ учун барча социалистик мамлакатларнинг, барча антиимпериалистик ва прогрессив кучларнинг ҳаракатини бирлаштириш жуда катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

Совет халқига, бизнинг Коммунистик партиямизга келганда, биз Вьетнам халқига нисбатан ўзимизнинг интернационал бурчимизни охиригача бажарамиз. Совет Иттифоқи Вьетнам халқига барча зарур ёрдамни—унинг ҳаққоний иш учун олиб бораётган курашига ҳарбий, иқтисодий, маънавий ёрдамни бериб келди, бермоқда ва бундан буён ҳам бераверади.

Совет Иттифоқи Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг ва Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронтининг талабларини тўла равишда қувватламоқда. Вьетнам проблемаси мана шу талаблар асосида ҳал этилиши ва Вьетнамда тинчлик таъминланиши лозим.

Сўнгра, В. В. Гришин коммунизмнинг моддий техника базасини қуришда совет халқи эришган ютуқларга тўхталиб ўтди. Бизнинг ленинчи партиямиз, мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари социализм ва коммунизм қуришни ҳамиша жаҳон революцион ҳаракати олдида ўз зиммаларида турган олий интернационал бурч, деб ҳисоблаб келдилар. Бизнинг партиямиз КПСС XX ва XXII съездларининг қарорлари, КПСС Программаси, КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг ва ундан кейинги Пленумларининг қарорлари асосида Совет Иттифоқининг сиёсий иқтисодий ва мудофаа қувватини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда.

Еттинчи йиллик план, деди В. В. Гришин, муддатидан олдин бажарилди. СССРда саноат маҳсулотининг ҳажми планда кўзда тутилган 80 процент ўрнига етти йиллик мобайнида 84 процент кўпайди. Шу вақт ичида беш ярим мингдан кўпроқ катта саноат корхоналари қурилди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, деб давом қилди В. В. Гришин, халқаро коммунистик ҳаракатнинг қардош партияларнинг 1957 ва 1960 йиллардаги халқаро Кенгашларида биргаликда ишлаб чиққан бош йўлига оғишмай амал қилиб, барча мамлакат коммунистларининг марксизм-ленинизм принциплари асосида бирлигига эришмоқ учун мумкин бўлган чораларнинг ҳаммасини кўрди ва кўрмоқда.

Бизнинг партиямиз бошқа марксчи-ленинчи партиялар билан бирга шунга асосланиб иш олиб бормоқдаки, халқаро коммунистик ҳаракатда ҳозирги вақтдаги келишмовчиликлар борлигига қарамай, империализмга қарши биргаликда куч ва ғайрат сарфлаб кураш олиб бориш, мавжуд келишмовчиликларни биргаликда, қадамбақадам бартараф қила бориш зарур.

Сўнгра, КПСС делегациясининг бошлиғи қардош Финляндия Коммунистик партияси томонидан марксчи-ленинчи партияларнинг бирлик учун олиб бораётган курашига қўшган ва қўшаётган ижобий ҳиссаси тўғрисида гапирди.

Ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг манфаатлари учун курашда Финляндия Компартияси эришган муваффақиятлар, деди В. В. Гришин, бу партия ўзининг бутун ишида буюк марксизм-ленинизм таълимотига муттасил амал қилиб келаётганлиги сабабли қўлга киритилди.

Пировардида, КПСС делегациясининг бошлиғи В. В. Гришин Финляндия Коммунистик партиясининг съездига КПСС Марказий Комитети йўллаган табрикномани ўқиб берди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, дейилади табрикномада, Финляндия Коммунистик партияси XIV съездининг делегатларига ва барча фин коммунистларига самимий қардошлик саломи йўллайди.

Табрикномада яна бундай дейилади: Финляндия Коммунистик партияси марксизм-ленинизм таълимотига амал қилиб, ишчилар синфининг ва барча меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида, чин демократия ва социал тараққиёт учун ҳормай-толмай кураш олиб бормоқда.

Қардош Финляндия Компартиясининг мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қўшаётган жуда катта ҳиссасига Совет Иттифоқида юксак баҳо берилмоқда.

КПСС Марказий Комитети партия сафларини янада мустаҳкамлашда, ишчилар синфининг туб манфаатлари учун, тинчлик ва социализм учун партия олиб бораётган курашда фин коммунистларига янгидан-янги муваффақиятлар тилайди.

В. В. Гришин ҳайкалтарош Н. В. Томский томонидан яратилган «Ленин—бизнинг байроғимиз» деган ҳайкални КПСС Марказий Комитети номидан Финляндия Компартиясига тортиқ қилди. Саҳнада ҳайкал устидаги чодир олиб ташланиб, Совет давлати асосчисининг улуғвор бюсти очилиши билан гулдурос қарсаклар янгради.

❋ РАДИО

1 ФЕВРАЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.03, 8.15, 13.30, 18.00, 19.00, 19.10, 19.50, 23.00 — Сўнгги ахборотлар.

6.15 — Концерт, 6.45 — Гимнастика, 7.35 — Эшиттиришлар программаси, 8.25 — Концерт.

9.15 — «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока», 16.00 — «Правда» газеталарининг обзори.

9.30 — Ҳ. Раҳимов. «Ёшлик» симфоник поэмаси, 9.45 — Халқаро темада (тож.), 10.10—Қирғиз куйлари, 10.30 — Ўзбек музикали драмаларидан парчалар, 11.10 — «Халқ фаровонлиги ошмоқда» (рус.), 11.20 — Концерт, 12.15 — Спорт эшиттириши, 12.30 — СССР халқлари куйлари, 13.00 — Чорвадорлар учун, 13.40 — Венгрия куйлари, 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун, 16.15 — Итальян композитори Джакомо Пуччини, 18.10 — Концерт (рус.), 18.30 — Ўзбек лирик қўшиқлари, 19.20 — Қорақалпоқ куйлари, 20.00 — Ўрта Осиё республикалари бўйлаб (рус.), 20.30 — Совет кино фильмларидан қўшиқлар, 20.50 — Жанговар атеизм учун, 21.20 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт, 22.00 — Халқаро темада, 22.10 — Қўшиқлар, 22.40 — Е. Драбкина «Алеша Каленов чизган сурат» (рус.), 23.10—Эртаги кун эшиттиришлари, 23.20 —Маҳоб кечаси.

❋ ТЕЛЕВИДЕНИЕ

1 ФЕВРАЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар,** 18.20 — **Акаука Тим ва Том** (кичкинтойлар учун), 18.45 — **Кашф этилган асрлар** (телефильм), 19.10 — **Палиастоми** (бадиий фильм).

20.25 — **Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 20.30 — **Телевизион янгиликлар,** 20.45 — **Афросиёб ҳақида янгиликлар,** 21.05 — **Реклама ва эълонлар,** 21.10 — **Мафтун сайёҳ** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.10 — **Дўстлик бурчаги** (болалар учун), 18.35 — **Тошкент янгиликлари,** 18.45 — **Революция амалга оширилди,** 19.15 — **Эшит** (телевизион бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 20.20 — **Биринчи халқ тасвирий студияси** (адабий эшиттириш), 20.40 — **Гельмгольц номли институт** (телефильм), 20.50 — **Тошкент янгиликлари,** 21.00— **Улим сиртмоғида** (бадиий фильм).

❋ ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/II да **Князь Игорь,** 2/II да **Флория Тоска.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — **Хатарли йўл,** 2/II да **Ўғирланган умр.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА—1,2/II кеч соат 7 яримда **Ўзбек давлат филармонияси ва эстрада артистларининг концертлари.** Билетлар сотилмоқда.

3, 4, 5, 6/II кеч соат 7 яримда **Қозоғистон артистларининг гастроллари.** Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Йиртқич ҳайвонларни ўргатувчи **Владимир Борисов ва «Юность» коллективининг хайрлашув гастроллари.**

❋ КИНО

Бу телба дунё (кенг форматли фильм) — «МИР», «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (кундуз соат 2 ярим ва кеч 9 яримда), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз 2 ярим ва кеч 9 яримда), «СПУТНИК» (кеч 8 да), «ЮЛДУЗ» (кеч 9 да).

Уйқудаги арслон — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ», «СПУТНИК», «ИСКРА», «ЧАЙКА», (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 3 ва кеч 7 яримда), «ВОСТОК» (кечки залда кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (эрталаб 11, кундуз 12 ва кеч 10 да), «ЮЛДУЗ» (кундуз 5 ва кеч 7 да).

1966 йил 11 февраль кундуз соат 3 да, Тошкент халқ хўжалиги институти ҳузуридаги бирлашган илмий совет мажлисида (Олмазор кўчаси, 183-уй) иқтисод фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИЛАР

Д. С. Сариқулов: «Жанубий Қозоғистондаги деҳқончилик маҳсулдорлигини оширишда суғоришнинг роли» деган темада.

У. Холметова: «Савдони кредитлаш масалалари (Ўзбекистон ССР материали асосида)» деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиуми, Ижтимоий фанлар бўлими, партия бюроси, А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институти коллективи институт ходими

Ширин ЗАРИФОВАНИНГ

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қиладилар.

Халқаро ҲАЁТ

ЖАҲОН БИР ҲАФТА ИЧИДА

ЖЕНЕВАДА ҚЎЙИЛГАН ТУЗОҚЛАР

Қуролсизланиш билан шуғулланувчи комитет тўрт ойлик узилишдан кейин 27 январда Женевадаги миллатлар саройида яна иш бошлаб юборди.

Комитетнинг ҳозирги, тўққизинчи сессияси олдида турган вазифалар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XX сессияси томонидан белгилаб берилган. Бош Ассамблея делегатлари ядро қуролини тарқатмаслик масаласи ҳозирги вақтда қуролсизланиш проблемаларининг бутун комплекси орасида энг шошилинч ва энг зарур масала эканлигини очиқ айтдилар.

Қуролсизланиш билан шуғулланувчи комитет аъзоларидан ҳеч бири атом қуролини тарқатмаслик ғоясига қарши чиқаётгани йўқ. Бунинг аксича, шундай битимни тезроқ тузиш зарур деган фикрга ҳамма қўшилиб турибди. Лекин иш битимнинг конкрет шартларига бориб тақалганида Қўшма Штатлар шундай гапларни писанда қилмоқдаки, бу гаплар ҳақиқатда Ғарбий Германия бундесверига ядро қуроли томон йўл очиб қўйиш учун қулай имконият қолдиради. Писанда қилиб айтилаётган бундай гапларнинг хаторли оқибатда равшан кўриниб турганлигидан ҳатто АҚШнинг НАТОдаги кўпгина иттифоқчилари ҳам шу гапларни эшитганда чўчимоқдалар. Ўз йўлини маъқуллатиб олиш учун Америка дипломатиясининг бир талай куч-ғайрат сарфлашига тўғри келиб турибди. Ҳозирги сессия арафасида ҳам худди шундай бўлди.

Комитетнинг иши бошланмасдан бир неча кун олдин, қуролсизланиш масалалари билан шуғулланувчи инглиз министри лорд Чалфонт Вашингтонга бориб, 18 лар комитетидаги Америка делегациясининг бошлиғи Фостер билан учрашиб келди. Лондонда чиқадиган «Санди телеграф» газетасининг хабарида айтилишича, бу музокаралар ўтган йил ёзида Женевада содир бўлган дипломатик тўқинишларнинг такрорланишидан сақланиш» мақсадида уюштирилган экан. Ўша пайтда Европадаги ядро проблемаси сабабли Англия билан АҚШ ўртасида очиқдан-очиқ ажралиш вужудга келган эди. Шуни эслатиб ўтайликки, Англия ҳукумати асосан Американинг йўлидан оғишмай борляпти, шу сабабдан, бундай учрашувнинг уюштирилиши айниқса диққатга сазовордир. Комитет мажлисларини яна бошлаб юборишдан икки кун олдин Парижда АҚШ, Канада, Англия ва Италия делегацияларининг кенгаши ўтказилиб, ялпи тутиладиган йўл ҳақида битишиб олинди. Ана шу тўрт мамлакат вакиллари 26 январда НАТОнинг доимий кенгашига ўз мулоҳазаларини маълум қилиб, ундан қўшимча йўл-йўриқлар олишди. Гап орасида шуни қистириб қўяйликки, доимий комитетда Ғарбий Германиянинг вакили ҳам бор. Бинобарин, Ғарбий Германия делегатларга қўшимча тазйиқ ўтказиш имкониятига эга бўлди.

АҚШ билан ГФР ўз иттифоқчиларининг қулоғини ҳуфиёна пишитишдан ҳам қайтаётганлари йўқ. Бояги «Санди телеграф» газетасининг хабарида айтилишича, Женева комитети ишлаб турган даврда америкаликларнинг ташаббуси билан Лондонда Англия ташқи ишлар министрлиги вакилларининг, ГФР ва АҚШ элчиларининг махфий кенгашларини ўтказиш планлаштириб қўйилибди. Газетанинг ёзишича, бу кенгашларда «ядро масалалари билан қуролсизланиш проблемалари» устида фикрлашиб олинади. Газетанинг маълумотларига кўра, «мақсад—Боннинг аниқ ниятлари нималардан иборат эканлигини ва шу ниятларни Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларнинг умумий комплексига қандай қилиб қўшиб юбориш мумкинлигини ойдинлаштириб олишдан иборатдир».

Боннинг ниятлари эса, беш қўлдек равшандир, у ҳам бўлса—ядро қуролини қўлга киритиб олишдир. Қолган бошқа давлатларни шу ниятларга қўшилишга мажбур этиш ҳақидаги режаларга келганда шуни айтиш керакки, бу ўринишга қуролсизланиш билан шуғулланувчи комитетнинг бутун ишига тузоқ қўйиш деб баҳо беришдан бўлак илож йўқ. Совет Иттифоқи билан Европадаги бошқа кўпгина ҳукуматларнинг позицияси яхши маълум ва ўзгармас бўлиб, улар: бундесверга ҳеч қандай шаклда ва ҳеч қандай байроқ остида ядро қуроли берилмасин, демоқдалар.

Комитет кун тартибида турган иккинчи энг асосий масала—ядро синовларини батамом тақиқлаш проблемаси ҳам Қўшма Штатлар ва уларнинг иттифоқчилари томонидан сунъий равишда солинган ғовлардан ўта олмай турибди. Космик фазода, атмосфера ва сув остида ядро синовларини тақиқлаш тўғрисида 1963 йилда тузилган Москва шартномаси амалда қилинадиган ишлар учун йўл очиб қўйган эди. АҚШ техникага оид ҳар хил важларни кўрсатиб, шу йўлдан олга босишга кўнмаяпти. Америкаликлар қуролланиш пойгасини давом эттириб, ўша шартнома тузилган вақтдан бери Невада штатидаги полигонда 70 та ядро бомбасини портлатган бўлсалар, шундан учтасини Женева музокаралари яна бошлаб юборилади деб турилган кунларда портлатдилар. Бу портлатишларнинг акс садоси бутун тинчликсевар инсониятнинг юз-кўзига қараб туриб айтилган ҳақорат бўлиб эшитилди.

Қуролсизланиш тўғрисидаги музокараларнинг йўлига солинган ғов халқаро кескинликни сусайтиришга тааллуқли бошқа кўпгина масалаларни ва, аввало Европа хавфсизлиги проблемаларини ҳал этишга тўсқинлик қилмоқда. Чунки АҚШнинг сиёсати Бонн реваншчиларининг ядро қуроли талаб қилаётган иштаҳасини тобора кучайтириб, Европанинг қоқ юрагида борган сайин хатарлироқ манба вужудга келтирмоқда.

ЭНГ ХАВФЛИ КИШИЛАР

Ҳозир Қўшма Штатларда «катта мунозаралар» даври бошланди. Президентнинг конгрессга юборган мактублари, бюджетда белгиланган режалар ва Президент Жонсон Америка авиациясининг ВДРга осмондан қиладиган ҳужумларини яна бошлаб юориш тўғрисида буйруқ берадими, ёки бермайдими, деган масала муҳокама қилинмоқда. Америка авиациясининг ВДРга осмондан қилаётган ҳужумлари рождество ва янги йил байрамлари ўтгунча тўхтатиб қўйилган эди.

Оддий америкаликлар Президент туган бюджетдан хафа бўлганликларини яшира олмаяптилар. Вьетнамдаги уруш бюджетнинг белига алмоғиздек чирмашиб, катта-катта социал проблемаларни ҳал қилиш, камбағалларга ёрдам бериш, таълим ва касалхоналар қуриш, халқнинг минглаб бошқа эҳтиёжларини қондириш учун шу қадар асқотиб турган маблағларнинг асосий қисмини сўриб олмоқда. Президентнинг Америка «тўпса ҳам, мойга ҳам» эга бўлади, деган ваъдаларига ҳеч ким ишонмаяпти. Мамлакат уруш ботқоғига шу қадар ботиб кетдики, бу урушнинг қачон тамом бўлишини на Президентнинг ўзи, на унинг энг ашаддий ихлосмандлари айтиб бера олади.

Жонсоннинг мактублари ва Америка ҳукуматининг амалий ишлари АҚШ «тинчликни кўзлаб ҳужум бошлади» деб пропаганда мақсадида тарқатилган яна бир афсонани чиппакка чиқарди. Жонсон ҳукумати мана шу дабдабали шиорни майдонга ташлаш билан ўзини Вьетнамда тинчлик ўрнатишга интилаётган қилиб кўрсатмоқчи бўлди. Қирқдан ортиқ мамлакатга Президентнинг расмий, чала расмий, махсус, шахсий, вакоатли ва ҳоказо элчилари юборилди. Улар ўзлари борган мамлакатларнинг давлат арбобларини АҚШ тинчлик ўрнатмоқчию, лекин бунга вьетнамликларнинг ўзлари халақит беряпти, деб ишонтиришга ҳаракат қилдилар.

Оқ уйнинг пропаганда соҳасидаги диверсияси замини бўш бўлиб чиқди. Давлат секретари Дин Раск ҳамон АҚШ бу урушда якналиб қолянти, деб зорланмоқда. Шундай бўлиши эса таажжубланарли эмас. Президентнинг дипломатик чопарлари чет давлатларнинг пойтахтларини кезиб юрган, Жонсоннинг ўзи АҚШнинг тинчликсеварлиги ҳақида гап сотаётган бир маҳалда, Америка самолётлари Вьетнамнинг шаҳар ва қишлоқларини бомбардимон қилишни, уларнинг устига напалм билан заҳарли моддалар ёғдиришни давом эттирди. Америка авиацияси Вьетнамдаги базалардан учиб бориб, қўшни Лаос билан Камбоджага қароқчиларча ҳужумлар қилди. Жанг ҳаракатлари бўлаётган жойга қўшинларнинг янги-янги қисмлари, техника, ўқ-дорилар, ашё-анжомлар юборилмоқда. Буларнинг ҳаммаси мақсад уруш алангасини авжига чиқариш эканлигини кўрсатиб турибди. Бинобарин, «тинчликни кўзлаб, ҳужум бошладик» деган лўттибозлик халқлар назарида батамом муваффақиятсизликка учради. Бунга Америка матбуоти ҳам иқрор бўлмоқда.

«Уруш калхатлари» ВДР устига осмондан босқинчиларча ҳужум қилишни яна бошлаб юоришни талаб қилмоқда. Бу эса, Американи тобора кўпроқ ҳалжонга солмоқда. Иллинойс, Висконсин ва Индиана штатларидаги университетларнинг профессорлари, илмий ходимлари ва олимларидан 900 дан кўпроқ киши яқинда Жонсонга очиқ хат билан мурожаат қилиб, «урушни ёппасига кенгайтириш» ҳақидаги дўқлардан қайтинг, деган талабни қўйишди. Ассошиэйтед пресс агентлигининг мухбири сўраб чиққан 50 сенатордан 25 таси ВДРга осмондан қилинадиган ҳужумларни яна бошлаб юборишга қарши эканлигини айтди.

Матбуот хабарларига қараб ҳукм чиқарганда, АҚШ ҳукумати барибир ўз мамлакатидаги ва бутун дунёдаги афкор оммани менсимай, ВДРни бомбардимон қилишни яна бошлаб юориш тўғрисида буйруқ беришга шай бўлиб турибди. Шу сабабдан, машҳур сенатор Уэйн Морзенинг қуйидаги гапларига қўшилмасдан бўлмайди: «Жаҳондаги энг хавфли одамлар ҳозирги вақтда пентагон биносида ўтиришибди... Улар бизни катта урушга бошлаб боряпти».

К. БЕЛЯЕВ. (ТАСС).

Суратда: Тошкентдаги Лаъл Баҳодир Шастри номидаги кўча. И. Глауберзон фотоси.

БУ КИТОБНИ УҚИНГ

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ»

Сиз республикамизнинг ҳайвонот дунёси ҳақида нималарни биласиз? Унинг денгиз ва дарёларида, чўл ва биёбонларида, тоғ ва водийларда яшайдиган турли-туман паррандаю-даррандаларини кўрганмисиз? Агар уларнинг қандай ҳаёт кечиришларини, турмушимизда қандай аҳамияти борлигини билишга қизиқсангиз «Ўзбекистон» нашриёти томонидан чиқарилган «Ўзбекистоннинг ҳайвонот дунёси» китобини олиб ўқинг.

Китоб автори биология фанлари доктори О. И. Богданов кўп йиллар давомида республикамизнинг ҳайвонот биологиясини синчиклаб ўрганган.

Китобда аввало ҳайвонларнинг турли табиий ландшафтларга мос ҳолда тақсимланиши кўрсатилган. Сўнгра автор умуртқали ҳайвонларнинг энг кўп тарқалган ва амалий аҳамияти бўлган ёввойи турларининг географик тарқалиши, яшаш ерлари, урчиши, овқатланиши ва бошқа асосий биологик хусусиятлари ҳақида муҳим маълумотлар бериш билан бирга, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ролини таъриифлаб берган.

Китоб равон тилда ёзилган. Унинг яхши безатилганлиги, авторнинг илмий фаолияти давомида рўй берган саргузаштларнинг ҳамда ҳайвонлар ҳаётида кузатилган қизиқ ҳодисаларнинг ҳам алоҳида ҳикоячалар сифатида илова этилганлиги китобхонларда шавқ-завқ пайдо этади.

Китобнинг тарбиявий аҳамияти ҳам катта. У ўлкамизнинг бой ва гўзал табиатига нисбатан меҳр уйғотади, айниқса ёш авлодни табиатни тўғри қўзата оладиган, табиатга материалистик руҳда қарайдиган қилиб тарбиялайди.

Ўлкамизнинг умуртқали ҳайвонлари ҳақидаги бу илмий-оммабоп китоб ўзбек тилида биринчи марта нашр этилди. У кўп расм ва жадваллар билан безатилган.

Р. АБДУШУКУРОВА.



САНЪАТИМИЗНИНГ ЁРҚИН САҲИФАСИ

Ҳамза номли Ленин орденли ўзбек Давлат академик драма театрида Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» номли тарихий драмасининг 600-марта қўйилиши — юбилей спектакли ҳам катта муваффақият билан намойиш қилинди. Бу, буюк мутафаккир, номи ўлмас шоир туғилган кунининг 525 йиллиги олдидан муносиб армуғондир.

Филология фанлари доктори, профессор Лазиз Қаюмов ўз сўзида театр ижодий коллективининг маҳорати ва айниқса «Алишер Навоий» драмасининг яратилиш тарихи ҳақида сўзлади.

Спектакль бошланганида Алишер Навоий образини яратган СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати Олим Хўжаевнинг саҳнага чиқиши Навоийнинг тирик сиймоси каби ёрқин гавдаланди. Шу пайт Ҳамза театрига асос солиб, уни ижод чўққисига кўтарган ва шу спектаклнинг постановкачи режиссёри бўлган марҳум Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Обид Жалилов, Миршоҳид Мироқилов каби санъат усталари ва ҳозир ижод қилиб келаётган СССР халқ артисти, «Алишер Навоий» драмасида биринчи марта Гули образини яратган Сора Эшонтўраева, юксак дидли санъат соҳиби Саъдихон Табибуллаев, Навоий спектаклининг рассоми, Давлат мукофоти лауреати С. М. Миленинлар номи ҳам ҳурмат билан тилга олинди.

Томошабинлар бу спектаклда қатнашган ёш талантларни, айниқса Гули ролини ижро этган Рихси Иброҳимовани, Мансур ролини ижро этган Тўлқин Тожиевни ҳам самимий кутиб олдилар.

Спектакль сўнггида Ўзбекистон ССР халқ шоири Ғафур Ғулом «Ҳамза театрига» деган шеърини ўқиб берди. Академик Т. Н. Қориниёзий театр коллективини Ўзбекистон олимлари номидан табриклади.

«Алишер Навоий» спектаклининг 600-марта намойиш қилиниши ўзбек совет санъати тарихига ёрқин саҳифа бўлиб кирди.

СУРАТДА: Жамоат вакиллари санъаткорларни табриклашмоқдалар.

Ю. ҲАМДАМОВ.

ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

ШИФОХОНА ЖОНКУЯРИ

Тошкентнинг Пролетар ва Жуковская кўчалари бурчагида жойлашган икки қаватли шинам бинода бундан қирқ йил илгари республикада биринчи физиотерапевтик клиника ташкил этилган эди. Ўша вақтда клиниканинг стационари 30 ўринли бўлиб, у кунда 60 беморга хизмат кўрсатар эди. Кейинчалик клиника ҳар жиҳатдан кенгайди. Унга «Тошкент Совети» шифохонаси деб ном берилди.

Ҳозирги вақтда шифохонанинг стационар бўлимида юз беморга хизмат кўрсатилмоқда. Унинг ҳузуридаги поликлиникада эса кунда беш юзга яқин бемор даволанмоқда.

Ана шу саломатлик комбинатида шифо топган оҳангаронлик шахтёр Р. Файзиев, тошкентлик шофер Бердиев, Ўзбекистон ССР халқ артистка си Э. Жалилова, андижонлик ишчи Ҳ. Қосимов, «Ўзбекхлопкомаш» заводининг инженери П. Цибулин, ўзоқ Тюмендан келган врач Н. Долженко, паркентлик шахсий пенсионер Мамедов ва бошқа кўпгина беморлар ҳам катта ғамхўрлик кўрсатилгани учун касалхона коллективига чин юрақдан самимий миннатдорчилик изҳор қилганлар.

Шифохона клиникасида ва поликлиникасида беморларни даволашнинг жуда турли-туман усуллари қўлланилмоқда. Даволашнинг физиотерапевтик усулларидан айниқса самаралн фойдаланилмоқда.

Клиника коллективи беморларни игна санчиш йўли билан даволашни Ўзбекистонда биринчи бўлиб бошлаб берди. Нафас қисиш, радикулит, бод, оёқ-қўл, бел ва бош оғриғи, ошқозон, ичак ва бошқа касалликлар билан оғриган кишиларни игна санчиш билан даволаш кенг қўлланилмоқда. Бу янги усул жуда яхши натижалар бермоқда. Шифохонада бир неча минг бемор игна усулида даволанди. Америка Қўшма Штатлари, Австралия, Франция, Польша, Чехословакия ва бошқа мамлакатларнинг профессорлари, врач ва докторларидан бир неча киши шифохонада бўлиб, беморларни даволашдаги тажрибаларни ўрганиб қайтишди.



Суратда: врач Боқи Қосимов (ўнгда) беморни қабул қилмоқда.

Шифохонанинг йил сайин ривожланиб боришида, донг таратишида унинг бош врачи Б. Қосимовнинг хизматлари каттадир. У 50 ёшга тўлди, соғлиқни сақлаш системасида ўттиз йилдан буён ишлаб келмоқда. У қишлоқ касалхонасининг врачи, «Ангренуголь» кони медицина-санитария қисмининг раҳбари, Тошкентдаги марказий поликлиниканинг бош врачи, Кисловодскдаги «Ўзбекистон» санаторийсининг бош врачи вазифаларида самарали ишлади. Б. Қосимов врачлик касбини илмий, педагогик ва жамоат ишлари билан моҳирона боғлаб олиб бормоқда. Унинг совет кишиси саломатлигини сақлаш йўлидаги самарали хизматлари ҳукумат томонидан орден ва медаллар ҳамда Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач Б. Қосимов раҳбарлик қилаётган «Тошкент Совети» шифохонасининг коллективи аҳолига янада намунали медицина хизмати кўрсатиш, даволашнинг илғор методларидан янада кенг ва ижодий фойдаланиш учун бутун тажриба, куч ва билимларини ишга солмоқда.

Т. МУМИНОВ, Р. АБДУЛЛАЕВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, № 26. Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221 Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — 31226, Коммунистик тарбия — 31455. Саноат, капитал қурилиши ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалик — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор—30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Бизнинг адрес ва телефонлар СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

№ Г — 26. | Индекс 64543. | Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. | Р. 06101.